

УДҚ _____

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
З.М.БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Магистратура бўлими
“Инглиз тили ва адабиёти” кафедраси**

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Бўлим бошлиғи

Н.И.Асқаров

“ _____ ” _____ **2016 йил**
йил

“ХИМОЯГА ҚЎЙИЛДИ”

Кафедра мудири

Б.Т.Жалилов

“ _____ ” _____ **2016**

**«ИНГЛИЗ ТИЛИ ФОНОСТИЛИСТИКАСИ ВА УНИНГ
ЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ»**

МАВЗУСИДА

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Бажарди:

“Хорижий тил ва адабиёти (Инглиз тили)”

мутахассислиги магистранти

Д.А.Шокирова

Илмий раҳбар:

Л.С.Худойбердиева

Илмий маслахатчи

С.Солижонов

ф.ф.н.,доцент

ф.ф.н.доцент

АНДИЖОН - 2016

Мундарижа

Кириш.....	3
1-боб Фоностилистика-фонетик ва стилистик тадқиқотларнинг янги йўналиши сифатида	
1.1.Фоностилистик тадқиқотларнинг назарий асосласи.....	12
1.2.Стилистик йўналишлар, тил ва нутқ услуби тушунчалари.....	21
1.3.Фоностилистик ўзгаришларни белгиловчи экстралингвистик омиллар.....	34
11-боб Фонетик стиллар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари	
2.1. Нутқ, нутқий услублар ва нутқ маданияти –фоностилистика объекти сифатида.....	37
2.2. Нутқ турлари ва уларнинг фоностилистик классификацияси.....	47
2.3.Нутқ ва унинг лингвокультурологик хусусиятлари.....	52
III боб. Фоностилистик жараёнларнинг асосий турлари ва хусусиятлари	
3.1. Фонетик услублар таснифи ва уларнинг хусусиятлари.....	57
3.2. Комбинатор-позицион фоностилистик ўзгаришлар турлари.....	70
Умумий хулосалар.....	75
Фойдаланган адабиётлар рўйхати.....	79

КИРИШ

Мустақиллик-бу миллат орзуси, ўз ривожланиш йўлини ўзи танлаш ҳуқуқи. Мустақиллик-бу орзулар рўёби. Ўзбекистон ўз орзуларини рўёбга чиқариш учун имкониятга эга бўлди. Мустақилликдек буюк неъматга эришганимиздан кейин юртимизнинг ҳар бир соҳасида ривожлантириш ва модернизация қилиш тез суратларда давом этмоқда, жумладан, таълим-тарбия соҳаси бўйича бир қатор муваффақиятли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов илму-маърифат инсонни юксакликка кўтаради, зеро, илму тафаккур кишини эзгуликка бошлайдиган бекиёс кучдир деб бежиз айтмаган. Ўзбекистон-келажаги буюк давлат, келажак эса ёш авлод қўлида. Шундай экан, кадрлар масаласини ҳал қилмасдан ҳаётимиз маънавиятимиз ўзгариши қийин кечади. Демакки, замонавий талабларга мос кадрлар тайёрлаш ишини йўлга қўйиш фаолиятимизнинг бош йўналиши бўлмоғи даркор деб таъкидлаганлар. Барчамиз яхши билганимиздек, келажак авлод ҳақида қайғуриш соғлом баркамол насли тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятларимиздандир.

Таълим тўғрисидаги қонун ва кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб ҳисобланади. Республикада таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш йўлида олиб борилаётган ислохотларни амалга ошириш ва бу борада қабул қилинган ҳужжатларнинг моҳиятини кенг жамоатчилик томонидан чуқур англаб олинишига ҳар томонлама шароит яратиш-давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, таълим-тарбия муассасалари ходимларининг энг долзарб вазифалари этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетига эришгани, шу туфайли ватанимизда чуқур ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар рўй бергани, дунё миқёсида давлатимиз обрўсининг ошиши ва

республикаимизнинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши тил ва жамият ўртасидаги муносабатларни сифат жиҳатидан ва моҳиятидан янгилаб берди. Фуқароларимизни, айниқса, ёш авлодни чет тилларга ўқитиш мамлакатимизда давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим масалага айланди.

Президентимиз хорижий тилларни ўқитишнинг замонавий методикасини яратиш зарурлигини уқтириб, шундай дейди: “Мамлакатимизда хорижий тилларнинг миллий асосдаги жадаллаштирилган методикасини тайёрлашни тезлаштиришимиз керак”. [6;4]

Бундай шароитларда ўзбек тили ва чет тилларини жадал ва сифатли ўрганишнинг пухта ва самарали методикасини яратишнинг она тилимиз бўлган ўзбек тилини ва инглиз, немис, француз, рус, араб тиллари каби хорижий тиллар билан сифатли ва системали қиёслаб ўрганишсиз, тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Бундай қиёсий таҳлиллар бевосита лингводидактика ва амалий таржима, қолаверса, назарий билимлар, жумладан, назарий тилшунослик соҳаларига ҳам алоқадордир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ислохотлар иқтисодий, ижтимоий, маданий, маънавий соҳада улкан ютуқларга олиб келдики, бу ютуқларни ҳаётга татбиқ этишда юқори малакали тилшунос ва таржимонларга ҳам мос равишда салмоқли вазифалар юклатилмоқда. Республикаимиз президенти И.А.Каримов асарлари ва нутқларидан келиб чиқадиган асосий вазифалар, асосан, олий таълим ходимлари олдида таълим ва тарбияни юқори даражага кўтарилишини, миллат маънавиятини ва билимдонлигининг ривожини халқ таълимининг инсоний-гуманитар хусусиятлари тўлиқ таъминланишини, илгор педагогик технологияларни жалб қилиш асосида унинг тубдан янгиланишини ҳамда илму - фан таррақиётини назарда тутди. Бу борада юртбошимиз И.А.Каримовнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилган “Чет тилларни ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамият касб

этади. Ушбу ҳужжатда илгари сурилган ғоя ва кўрсатмалар тилшунослик, таржимашунослик ва тил ўқитиш соҳасидаги тадқиқотларнинг жадаллаштирилиши, шу соҳалар учун зарур бўлган миллий кадрларни тайёрлашнинг ривожлантирилиши ва таълим тизимини мукамаллаштириш учун муҳим омил сифатида хизмат қилади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган доно тил сиёсати, давлат тили бўлмиш ўзбек тили билан бир қаторда рус, инглиз, немис ва бошқа Европа ва Шарқ тилларини амалий ўрганишга замин яратдики, бу нарсалар тилшуносликнинг назарий асосларини ҳам ривожланишига олиб келди. Бу борада республикамизнинг етакчи мутахассисларининг республикамиз тилшунослик фанига қўшган хиссалари диққатга сазовордир.

Мавзунинг асосланиши ва унинг долзарблиги. Шу кунгача бўлган тилшунослик ички, яъни тил системаси ва у билан боғлиқ муаммоларни ўрганишга катта эътибор қаратди ва бу йўналишда салмоқли муваффақиятларга эришди. Ҳозирги замон тилшунослиги, ички тилшунослик муаммолари билан бир қаторда, тил билан боғланишда бўлган ҳодисалар ва омилларга, хусусан, тил ва сўзловчи (тингловчи), тил ва коммуникация жараёни (муҳит, омиллар), тил ва мантиқ, тил ва фалсафа, тил ва оламни билиш, тил ва маданият каби муносабатларни жиддий тадқиқ этишга киришмоқда.

Ҳозирги даврда линвокультурологик тадқиқотларга катта эътибор берилмоқда. Ушбу йўналишда тил – инсон – маданият триадаси, маданият ва тилнинг ўзаро таъсири масалалари ўрганилади. Ушбу диссертацион тадқиқот лингвистиканинг янги йўналиши бўлмиш фоностилистиканинг хусусиятларини ўрганиш масалаларига бағишланган бўлиб, унда фонетик ҳодисаларга янгича ёндашиш кўзда тутилади.

Тадқиқот объекти: инглиз тили сўзлашув нутқининг орфоэпик ва орфографик шаклларда ифодаланган нутқ бирликлари ва инглиз тилида

сўзларнинг фонемалар таркиби ўзгариши билан фарқланувчи услубий бўёққа эга бўлган талаффуз вариантларидир.

Тадқиқот предмети: Маълумки, нутқ тилнинг бевосита фаолияти бўлиб, фоностилистика ушбу нутқнинг лингвистик ва экстралингвистик омилларини ўрганувчи йўналиш сифатида пайдо бўлган. Ушбу лингвистик ходиса турли тизимдаги тилларда тил воситалари ёрдамида ўзига хос равишда намоён бўлади. Инглиз тилида нутқ фоностилистик нуқтаи назардан айрим тилшунослар томонидан таҳлил қилинган бўлсада, унинг ўзига хос хусусиятлари тўлалигича очиқ берилмаган ва илмий ишнинг долзарблиги қуйидагиларда намоён бўлади ва бу эса диссертациянинг асосий **мақсадини** ташкил этади. Бу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги **вазифаларни** амалга ошириш зарур деб биламиз:

- Фоностилистиканинг ўрганиш объекти тўлалигича аниқланиши лозимлиги масаласи;
- Оғзаки нутқнинг ўзига хос стилистик хусусиятлари тўла ўрганилмаганлиги;
- Инглиз тили мисолида фоностилистиканинг хусусиятларини лингвистик таҳлил қилиш;
- Талаффуз стили ва унинг турлари масаласи ўз ечимини кутаётганлиги;
- Экстралингвистик омилларнинг талаффуз стилига таъсир кўрсатиши масалалари;
- Инглиз тилидаги адабий ва оғзаки нутққа бўлган турли қарашларнинг борлиги каби масалаларнинг тадқиқ этилмаганлиги кабилардир.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги: инглиз тили фоностилистикасини лингвостилистик, когнитив-семантик ва лингвокультурологик нуқтаи назардан қилинган тадқиқлар фоностилистиканинг янги хусусиятларини очиқ беради.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари: Тадқиқотда фоностилистиканинг хусусиятларини лингвистик таҳлил қилиш, унинг талаффуз стилларини аниқлаш ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини тавсифлаш ва таснифлаш, орфоэпик ва орфографик шаклларда ифодаланган нутқ бирликларида юз берадиган комбинатор ва позицион ўзгаришларни аниқлаш ва турли методлар билан олинган маълумотларни статистик ва лингвистик таҳлил қилиш назарда тутилади.

Мавзу бўйича адабиётлар шарҳи ва таҳлили: Тадқиқотнинг методологик асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг асарлари, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ҳамда фан, таълим-тарбия ва маданият соҳаларидаги стратегик йўналишларга доир қарорлар ташкил этади. Фундаментал тадқиқотлар, умумий тилшунослик ва қиёсий типология, хусусан Бодуэн де Куртенэ, Б.А. Серебренников, Н. Хомский В.Гумбольдт, И.Мешчанинов, Н.Амосова, В.Маслова, А.Бушуй, А.Ҳожиев, А.Абдуазизов, Д.Ашурова, Ў.Юсупов, Ш.Сафаров, Н.Турниёзов, Ж. Бўронов, А.И. Болотов, Ғ.М. Хошимов, М.Расулова, О.Мўминов, О.Бозоров ва бошқаларнинг илмий тадқиқотлари, туркийшунос олимларнинг илмий ишлари мазкур тадқиқот учун назарий асос бўлди, ушбу диссертацияни тайёрлашда муҳим роль ўйнади ва уларнинг соҳа бўйича яратган монографиялари ва диссертациялари тадқиқотнинг методологик асосини ташкил қилади. Инглиз тили фоностилистикаси лингвостилистик, когнитив-семантик ва лингвокультурологик нуқтаи назардан қилинган тадқиқотлар ҳам таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг таҳлил усули: тадқиқотлар мобайнида ўрганилаётган объектларнинг экспериментал метод билан олинган маълумотларни статистик ва лингвистик таҳлил қилиш, лисоний тавсифлаш методи,

компонент таҳлил методи, статистик метод ва лингвокультурологик таҳлил методи усулларидадан фойдаланилади.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг назарий аҳамияти шундаки, олиб борилган тадқиқотлар натижасида олинган инглиз тилидаги талаффуз стилларини классификация қилиш мезонлари бошқа тиллардаги фоностилистик масалаларни ҳал қилишга ёрдам беради, амалий аҳамияти эса тадқиқот мобайнида инглиз тилидаги талаффуз стилларининг турларини аниқланиши ушбу тилни ўрганувчиларга оғзаки нутққа ўргатишда, назарий ва амалий фонетика дарсларида, ушбу мавзу юзасидан битирув малакавий ва курс ишлари ёзишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот ишининг тузилиши: диссертация уч бобдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири бир неча фаслларга бўлинади. Иш якунида хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати берилади.

1-Боб Фоностилистика-фонетик ва стилистик тадқиқотларнинг янги йўналиши сифатида

1.1. Фоностилистик тадқиқотларнинг назарий асослари

Ҳозирги замонда тилшунослик фанларининг ривожланиши, энг аввало, янги илмий йўналишларнинг шаклланиши билан боғлиқ бўлиб, улар, одатда, шаклланиб бўлган фанлар, ёки фан йўналишлари бириккан жойда пайдо бўлади. Шундай йўналишлардан бири фоностилистика бўлиб, у фонетика ва стилистика фанларининг боғланиш жойида пайдо бўлди. Фоностилистика тилшуносликнинг энг ёш бўлимларидан бири бўлиб, у ҳозирда ўзининг назарий ва методик асосларини белгилаб бормоқда. Маълумки, нутқ тилнинг бевосита фаолияти бўлиб, фоностилистика ушбу нутқнинг лингвистик ва экстралингвистик омилларини ўрганувчи йўналиш сифатида пайдо бўлган. Ушбу лингвистик ходиса турли тизимдаги тилларда тил воситалари ёрдамида ўзига хос равишда намоён бўлади. Инглиз тилида нутқ фоностилистик нуқтаи назардан айрим тилшунослар томонидан таҳлил қилинган бўлсада, унинг ўзига хос хусусиятлари тўлалигича очиб берилмаган.

Инсон товуш ёрдамида нафақат фикр англатади, балки ўз фикрини ҳам ифодалайди. Тилшуносликнинг кейинги тараққиёти даврида шаклланган "Фоностилистика" илми олдида ана шу фикр ва ифодалашни диалектик бирликда тадқиқ қилиш вазифаси туради.

Тилдаги барча ярусларнинг бир-бири билан ўзаро алоқаси бўлгани каби фонетика ва стилистика ўртасида ҳам узвий алоқа мавжуд. Бундай имкониятлар чуқур тадқиқ қилиниши лозим. Шу билан бир қаторда нутқда артикуляцион-акустик (просодик) воситаларнинг баъзилари экспрессив деб қаралиб, уларнинг фонологик ёки фонетик стилистикага киритилиши мумкинлиги ҳалигача ноаниқдир. Қандай бўлмасин, жаҳон тилшунослигида фонетик стилистика ёки нутқ товушлари, бўғин, урғу ва

унинг стилистик вазифаси тушунчалари мавжуд ва кейинги вақтда фаол истеъмолда бўлиб келмоқда[32.122-130]. Лекин юқорида ажратиб кўрсатилган ҳар иккала тушунча ҳам бевосита оғзаки нутқ хусусиятлари тадқиқотига қаратилган ва мохиятан факат оғзаки нутқ воситаларининг услубий қўлланишини ўрганади. Нутқнинг жуда кенг тарқалган иккинчи шакли - ёзма нутққа хос услубий хусусиятлар фонетик стилистик тадқиқот усуллари билан ўрганилиши мумкин эмас, чунки ёзма нутқ фонетик воситалар (нутқ товушлари, урғу, оханг, тон, товуш тембри ва х.к.) билан эмас, балки график воситалар (харфлар, тиниш белгилари, уларнинг ранг-баранг ёзилиши ва х.,к.) билан иш кўради. Шунинг учун оғзаки нутқ фонетик воситаларнинг услубий қўлланишини ўрганувчи фонетик стилистика билан бир қаторда "график стилистика" бўлимини ҳам ажратиш ва унда ёзма нутқда график воситаларнинг услубий ролини тадқиқ этиш давр талабидир.

"Фонетик стилистика" ва "график стилистика" тушунчалари воситалари орасида тўлиқ мутаносиблик йўқ. Уларнинг маънолари ўзаро келишиши ҳам (чунончи, оғзаки нутқда товуш чўзилиши ва ёзма нутқда бир харфни такрор-такрор ёзиш), мос келмаслиги ҳам (масалан оғзаки нутқда товушнинг баланд-пастлиги, ёзма нутқда ҳар хил катталиқдаги бош харфларни ёки ёзувдаги турли бўёк(ранг)даги харфларни ишлатиш ва х.к.) мумкин. Шунинг учун оғзаки нутқ воситаларининг услубий имконият ва хусусиятларини ўрганувчи "фонетик стилистика" ва ёзма нутқ воситаларининг услубий хусусият ва имкониятларини ўрганувчи "график стилистика" билан бир қаторда "фонографик стилистика" тушунчаси ва атамасини, шундай бўлимни ажратиш зарур.

Фонографик стилистика ёзма нутқнинг ўзига хос услубий имкониятларини яхлит ҳолда ўрганувчи ва услубшунослиқда махсус

ажратилиши, тадқиқи зарур бўлган график стилистиканинг таркибий қисмидир[39.27-29].

График стилистика олдида икки асосий вазифа туради:

- а) оғзаки нутқнинг фонетик таъсирчан воситаларини ёзма нутқда акс эттирилишини тадқиқ қилиш;
- б) ёзма нутқдаги фақат унга хос бўлган тасвирий-график (чунончи, таъкидлаш, бўрттириш, эътиборини жалб қилиш ва х.к.) воситаларни ўрганиш. Шу вазифалардан биринчиси фонографик стилистикада ўрганилади.

Фонографик стилистика тилшунослик фанида тамоман янги йўналишдир. Фонографик услубий воситалар ёзма матнларда, айниқса, илмий ва бадиий матнларда катта аҳамият касб этиши етарли даражада тадқиқ қилинмаган ва уни алохида бўлим сифатида ажратиб ўрганишга тўлиқ асослар мавжуд, услубшуносликнинг бу бўлими учун фонетика материал беради ва шу материалларни, яъни нутқ товушлари, просодик воситаларнинг қўшимча маъноларина ўрганади[35.145-151].

Фоностилистиканинг пайдо бўлиши узок тарихга эга булса ҳам, "фоностилистика" терминининг қўлланганлигига кўп вақт бўлгани йук. Бу термин рус тилшунослигида илк бор Н.С.Трубецкой томонидан таклиф қилиниб, "фонологик стилистика" деб аталди[70,72]. Бу соҳа кўпроқ "товуш стилистикаси" ва кейинчалик "стилистик фонетика" ёки "фонетик стилистика" деб юритилди. Профессор А.Абдуазизов услубшуносликнинг бу бўлимини "Фоностилистика" термини билан аташни таклиф қилди ва ҳозирда бу термин ишлатилабошланди[9.29-33].

Юқорида қайд қилганимиздек, фоностилистика тилшуносликнинг бир бўлими сифатида сўнги вақтларда шаклланган бўлса ҳам унга қизиқиш қадим замонлардан бошланган эди. Бу соҳага оид фикрлар антик философ ва риторик (чиройли сўзлаш санъатига эга бўлган)лар асарларида

учрайди. Шунингдек, кейинги давр тилшунос олимлари Н.С.Трубецкой, Л.В.Щерба, Р.И.Аванесов, Г.О.Винокур, И.Б.Голуб, С.М.Гайдучик ва бошқаларнинг асарларида ҳам фонетик бирликларнинг турли услубий имкониятлари батафсил ёритилганлиги илмий адабиётларда қайд этиб ўтилган[78,14,31,33].

Профессор А.Абдуазизов фоностилистиканинг тадқиқот объекти ва уни ўрганиш бўйича биз юқорида тилга олган илмий жихатдан қимматли мақоласини эълон қилди. Унга кўра оғзаки нутқ оқимида айрим сўзларнинг талаффузи, оҳанги, тез-секинлиги, қаттиқ ёки юмшоқ айтилганлигини ёзма нутқда айнан бериш мақсадида улар орфография қоидаларига зид равишда турли график белги ва шаклларда, ҳатто бўёқларда ёзилади. Услубий аҳамиятга эга бўлган бундай ҳодисаларни ўрганиш ҳам диққатга сазовордир.

Фоностилистик услубий воситаларни нутқ шакллари ва унинг услубий шакли воситалари хусусиятларига кўра иккига ажратиш мумкин:

а) оғзаки нутқ талаффузининг услубий хусусиятлари ва имкониятлари, яъни том маънодаги фонетик стилистика;

б) оғзаки нутқ талаффузи услубий хусусиятларининг ёзма нутқда график (имловий) воситалар билан акс эттириш, яъни том маънодаги график (имловий) стилистика.

Лекин график стилистиканинг имкониятлари фақат талаффуз услубий имконият ва хусусиятларининг ёзма нутқда акс эттирилиши билан чекланмайди, балки график услубиятнинг ўзига хос ва талаффуз билан алоқадор бўлмаган махсус воситалари тилда мавжуд. Булар асосан қуйидаглар:

- 1) бош ва кичик ҳарфларни ишлатиш;
- 2) турли катталикларда ёзилган ҳарфларни ишлатиш;
- 3) айрим сўз ёки матн бўлакларини курсив билан ёзиш;

- 4) хар хил тушунтиришларда харфларнинг турлича ёзилишидан фойдаланиш;
- 5) сўз ёки матн, уларнинг айрим қисмларини ёзишда турли хил ранг (буёк)лардан фойдаланиш;
- 6) назмда шеърий каторларни поғоналаб ёзиш;
- 7) матн бўлакларини абзац билан ёзиш;
- 8) сўз ва матн, уларнинг айрим қисмлари устига, остига, олдига ёки охирига турли хил шартли белгилар (узун чизик, бир чизик, иккн чизик, ой, айлана, параграф белгиси ва х.к.) қўйиб уларни ажратиш;
- 9) матнда тиниш белгиларидан услубий мақсадда фойдаланиш ва бошқалар.

Умуман олганда, график стилистика график стилистик воситаларнинг қўлланилишини белгиловчи, туташтирувчи, мотивлаштирувчи бўлим ҳисобланади. Шунинг учун ҳам матндаги график (имловий) стилистика бир томондан, фонетик стилистика (талаффуз, урғу, оҳанг, тон, тембр, интонация хусусиятлари) билан, иккинчи томондан, нутқ соҳибининг алоҳида мақсадлари билан боғлиқдир. Нутқда фонетик стилистиканинг график стилистика билан кесишган ва услубий воситаларнинг мажмуаси "фонографик услубий воситалар" деб аталади ва шу асосда "фонографик стилистика" илмий тушунчаси шаклланган.

“Фонографик стилистика” талаффузнинг услубий имконият ва хусусиятларини ёзма нутқда акс эттириш йўли ва усулларини, шунингдек, ёзма нутқнинг график (имловий) услубий имконият ва хусусиятларини диалектик бирликда ўрганувчи ва ўргатувчи умумий услубиятнинг бир бўлимидир.

"Фонографик стилистика" атамаси ўз хусусияти ва мотивланишига кўра кўп маънолидир, "фонография" атамаси дастлаб "фонетик" ва "график" каби икки сўзнинг қисқартмаси сифатида "фонетик" ва "график" маъноларига эга. Шунинг учун "фонографик стилистика" деганда биз

"фонетик стилистика" ва "график стилистика"ни тушунамиз. Иккинчи томондан, "фонографик стилистика" атамаси хусусий маънода, яъни талаффуз воситаларининг услубий хусусиятларини ёзма нутқда акс эттириш масалаларини ўрганувчи ва ўргатувчи алоҳида бўлим маъносида қўлланилади.

"Фонографик услубият" ҳам "фонетик стилистика" каби ўзининг алоҳида олинган реал бирликларига эга бўлмай, у тил фонетик ва график бирликларининг эмоционал-экспрессив маъносини у ёки бу томондан изохлаш вазифасини бажаради. Одатда, тилдаги бирор стилистик хусусият лексик ёки грамматик жихатдан тўла намоён бўлмаса, уни фонетик жихатдан экспрессив шакллантириш натижасида тўлдирилади. Бу жихатдан қараганда "фонографик услубият" "фонетик стилистика" билан ўзаро узвий алоқада иш қўради.

Тилдаги фонемалар ўзининг асосий вазифаси сўз маъноларини фарқлаш билан бирга яна икки: стилистик-экспрессив ва аппелятив вазифани бажаради. Тингловчи эса фонемалардаги бу хусусиятларни товушлар воситасида қабул қилади. Шунинг учун ҳам сўз таркибидаги бирор товушнинг талаффузда ўзгариши (чўзилиш, алмаштириш, тушириб қолдириш, орттирилиш, тор ёки кенгайтилиш) маънога ҳар хил таъсир этади. Бундай ҳолларда сўзнинг деннотатив маъноси ўзгармай, фақат коннотатив маъноси ўзгаради. Маълум бир сўз ёки сўзлар боғланмаси товушларининг нейтрал ёки коннотатив маъноларини аниқлашда супер-сегмент, яъни просодик элементлар ўта муҳим роль ўйнайди. Эмфатик урғу, интонация, пауза ёрдамида ҳам нутқда эстетик дид ҳосил қилинади[38.68].

Демак, коннотация фақат лексик бирликларга эмас, балки тилнинг фонетик ва грамматик воситаларига ҳам ҳосдир, сўзнинг семантик структурасини ўрганишда икки хил коннотация фарқланади: ингерент коннотация - сўз контекстидан ташқари олинган ҳолатда унта ҳос бўлган

коннотатив маъно ва адгерент коннотация - сўзда маълум контекстда хосил бўладиган коннотатив маъно.

Фонетик жихатдан ўзгартирилиб талаффуз қилиниши сўзларнинг синтагматик муносабатга киришганида яққол намоён бўлади. Хуллас, товушларда ифодаланган хис-туйғунинг график белгилар воситасида руёбга чиқиши оғзаки ва ёзма нутқнинг диалектик бирлигини кўрсатади. Бундай воситаларда ифодаланган коннотатив маънолар сўзловчи ёки ёзувчининг турли хил таассурот ва хассиётларини беришда муҳим услубий вазифани бажаради. Нутқ органларига боғлиқ равишда нутқ товушлари ҳам турлича талаффуз қилинади ва эшитилади. Акустика (эшитилиш)да товушнинг сифат ва миқдор белгиси фарқланади. Натижада, апеллатив (эшитиб таъсирланиш) ҳолати ҳам юзага келади. Товушларнинг чўзилиши одатда иккига бўлинади:

- 1) бирламчи чўзиқлик ёки фонологик чўзиқлик,
- 2) иккиламчи чўзиқлик ёки фонетик чўзиқлик.

Услубият учун фонетик чўзиқлик аҳамиятлидир. Бу чўзиқлик маъно ажратиш учун хизмат қилмайди. Фонетик чўзиқлик, асосан, сўздаги урғу ва шунга ўхшаш бир қанча фонетик ходисалар билан боғлиқ. Бу чўзиқлик нутқ жараёнига ҳосдир. Унлилар оғиз бўшлиғида тўсиққа учрамагани сабабли уларни истаганча чўзиб талаффуз этиш мумкин. Лекин нутқ шароити талаб қилган вақтга нисбатан ортиқча чўзиш фонеманинг социал қимматини пасайтиради, яъни айрим ҳолларда сўзнинг маъноси англашилмай қолади. Унлиларнинг турлича талаффузи сўзда қатор қушимча маъноларни хосил қилади. Жумладан, сўз семантик структураси билан боғлиқ ҳолда унинг маъноси кучайтирилади: *Why did you come? why???*

Айрим сўзлар таркибидаги унли товушларни турли кўринишларда чўзиб айтиш орқали ички ҳаяжоннинг орттириш каби коннотатив маънолар берилиши кузатилади.

Кўринадик, ёзма нутқда айрим сўзлардаги коннотатив маъно шу сўзларнинг фонографик ҳолатидан бевосита англашилса, айрам ҳолларда лексик-семантик изоҳлар орқали берилади[55,54].

Оғзаки нутқдаги унли товушларнинг просодик хусусиятлари ва ёзма нутқдаги ифодаси яна қуйидаги коннотатив маъноларни рўёбга чиқариши мумкин: шодланиш, хурсандлик, кайфиятнинг яхшилигини билдиради, ҳайратланиш, изтироб, ўқиниш, ғазабланиш, кучли тўлқинланиш маъносини ифодалайди. Бунда унли товушларнинг чўзиқ ва баланд талаффузи таъкид, ишончсизлик, ялиниш, эркалаш каби қатор коннотатив маъноларни ифодалаб келишига ҳам мумкин.

Фонографик стилистикада маълум бир унли товушни сўзнинг қайси ўринда, очиқ ёки ёпиқ бўғинлардаги чўзилиши ва унда ифодаланган эмоционаллик, услубий бўёқ ҳам фарқланади. Худди шу ўринда унли ҳарф ёзувда қандай график белги воситалар ёрдамида берилганлиги ҳам амалий аҳамият касб этади. Бунда сўзловчининг ҳайратланиши, таажжуби, ўйга тушиши каби қўшимча бўёқлар ўз аксини топади.

Сўздаги товушлар нутқ оқимида турли ўзгаришларга учрайди, баъзилари редукцияга учраб қисқа айтилади, айримлари эса ассимиляция ёки диссимиляцияга учрайди. Баъзи товушлар бошқача шакл олиши ёки тушиб қолиши мумкин. Бундай ходисаларнинг содир бўлишига нутқда ихчамликка интилиш, бўғинга урғунинг тушиши ёки тушмай қолиши, шошилиб талаффуз қилиш, бошқа тиллардан ўтган сўзларни талаффуз қилишдаги кийинчиликлар каби омиллар сабаб бўлади. Ана шундай турли сабаблар нутқда ҳосил бўладиган фонетик ўзгаришлардан деярли барчаси фонографик стилистик вазифа бажаради.

Шундай қилиб, сўзда унли товушларни чўзиб талаффуз қилиш ва шу талаффузни ёзувда айнан акс эттириш ҳамда сўзлардаги комбинатор ва позицион ўзгаришлар талаффузи ва ёзилиши билан боғлиқ бўлган коннотатив маънолар шу сўз ўзагидан англашиладиган денотатив маъно

билан бевосита боғлиқ холда рўёбга чиқади. Нутқда фонографик услубий воситалар ёрдамида хосил бўладиган қўшимча сўзлар ўзаро парадигматик ва синтагматик муносабатларга киришганида янада ёрқинроқ намоён бўлади.

Нутқнинг бадий услубида кенг қўлланадиган фонографик услубий воситалардан бири талаффузнинг аниқ ёзуви транскрипциядир. Тўлиқ ёки қисман транскрипция қилинган айрим сўзлар, репликалар асар қахрамонлари нутқини индивидуаллаш, маълум бир гуруҳ вакиллари нутқини характерлаш учун ишлатилади. Транскрипцион ёзув муаллиф томонидан маълум бир персонаж нутқидаги индивидуал ташки камчилик мавжудлигини кўрсатиш учун тилда қўлланиши мумкин. Бадий нутқ таъсирчанлигини оширувчи фонографик стилистик воситалардан бири товуш ёзувидир.

Фонографик услубий жиҳатдан эмфатик урғу ҳам аҳамиятли. Эмфатик урғу сўздаги унли ёки ундош товушни чўзиб талаффуз қилиш орқали амалга оширилади. Бунда сўзнинг эмоционал томони кучайтирилади ёки сўзловчининг ҳаяжони ифодаланади. Ёзма нутқдаги эмфатик урғу сўздаги харфларни чизикча-чизикча воситасида ёзиш орқали берилади.

График жиҳатдан ёзилиши бир хил бўлган нутққа эмоционаллик берувчи эмфатик чўзиқликка эга бўлган сўзларни қаттиқ овоз билан айтилувчи сўзлардан фарқламоқ зарур. Эмфатик чўзиқликда оҳанг, интонация муҳим роль уйнайди. Бунда оҳанг паст ёки мўътадил ҳолатда бўлади, сўздан киноя, қочирим, ялиниш, каби қўшимча семалар англашилади. Маълум бир сўз ёки сўз бирикмасини қаттиқ овоз билан айтишда эса, талаб, буйруқ, истак, каби қўшимча семалар англашилади.

Шундай қилиб, ундош товушларга хос фонографик услубий имконият ва хусусиятлар бадий нутқда муҳим аҳамият касб этади. Улар нарса, ходиса, ва воқеалар ҳақида тушунча ифодалаш билан бирга сўзловчининг турли эмоционал-экспрессив ҳолатини, унипг воқеа-ходисаларга турли

хил муносабатини ифодалайди. Эмфатик урғу воситасидан ўринли фойдаланиш бадий таъсирчанликни оширади.

Шундай қилиб, график услубий воситаларнинг ҳар бири ўзига хос йўсинда турли хил коннотатив маъноларни ифодалашга хизмат қилади. Улар маълум бир ҳолатларда турли шаклларда жиолантириб, асосий фикрга қўшимча маъно бўёғини қўшади. График услубий воситаларга хос хусусият ва имкониятларни чуқур ўрганиш ҳам илмий, ҳам амалий аҳамиятга моликдир.

1.2. Стилистик йўналишлар, тил ва нутқ услуби тушунчалари.

Кишиларда бадиий тафаккур ва мушоҳадани чуқурлаштириш, уларнинг қалбида бадиий-эстетик завқ уйғотиш, юксак инсоний туйғулар ва фазилатлар, маънавий қадриятлар руҳида камол топишига кўмаклашиш адабиётнинг бош мақсадига айланган ҳозирги даврда бадиий услубнинг лингвистик имкониятлари ҳам ўзгарди. Сўзга, бадиий сўзга бўлган талаб, масъулият кучайди. Шундай экан, нутқ маданияти, меъёрий ммуаммолари қаторида унинг стилистикаси – услубшунослиги, хусусан функционал – вазифавий услубшунослиги соҳасида юзага келган тадқиқотлар умумлаштирилиши, назарий пойдевори мустаҳкамланиши, замон талаблари даражасида айрим ўринлари қайта кўриб чиқилиши лозим.

Ҳар бир миллий тил стилистикасини алоҳида фан сифатида ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўрганишнинг қанчалик муҳимлиги булунги кунда ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Акад. В.В. Вингоградов таъкидлаганидек, у тилни тадқиқ этишнинг ўзига хос чўққиси, миллий нутқий маданият тараққиётининг назарий асосидир[29.41-43].

Жамият, унда фаолият кўрсатаётган халқ тинимсиз ривожланиш ва тараққиётда бўлгани каби уларнинг тили ҳам узлуксиз бойиб бориши табиий бир ҳолдир.

Стиль ва *стилистика* сўзлари филология фанида қадимдан маълум эканлигига қарамасдан, Европа ҳамда рус тилшунослигида бу масала билан асримизнинг бошларида шуғуллана бошланди. Аммо таъкидлаш лозимки, стилистика масалалари тилшуносликда 20-йиллардаёқ тадқиқотчиларнинг эътиборини ўзига қаратган бўлса ҳам, у кўпроқ адабиётшунослик нуқтаи назаридан ўрганиб келинаётган эди. У фақат 40-йиллардан кейин Прага лингвистик тўгараги ҳамда В.В.Виноградовнинг бу соҳадаги илмий ишлари пайдо бўлиши билан янгича мазмун касб этди, 50-йиллардан бошлаб тилшуносликнинг диққат марказида туриб, унинг энг қизиқарли мавзусига айланди.

Шу сабабли стилистика тилшуносликнинг бошқа соҳалари – фонетика, грамматика, лексикология, лексикография, фразеология, диалектологияга нисбатан янги фан ҳисобланади.

Инглиз тили стилистикаси анча мукаммал ўрганилган бўлсада, унинг айрим муаммолари ҳали ўз ечимини кутаётган масалалардан биридир. Инглиз тили стилистикаси Гальперин И.Р.(«Очерки по стилистике английского языка» Москва, 1958), Кузнец М.Д, Скребнев Ю.М(«Стилистика английского языка» Ленинград, 1972), Мороховский А.И; Воробьёва О.П, Лихушерст И.И; Тимошенко З.В(«Стилистика английского языка» Киев, 1984), Арнольд И.В(«Стилистика современного английского языка» Москва, 1990), Разинкина Н.Н(«Функциональная стилистика на материале английского и русского языков» Москва, 2004) ва бошқалар каби авторлар томонидан муфассал ўрганиб чиқилган.

Бобохонова Л.Т(“Инглиз тили стилистикаси” Тошкент, 1986), Мусаев Қ(“Инглиз тили стилистикаси” Тошкент, 2003) ва Мирзаев К(“English stylistics” Тошкент, 2009) каби ўзбек авторларининг илмий ишларида инглиз тили стилистикасининг муаммолари ўзбек аудиторияси вакиллари учун тушунарли тарзда ёритилган.

Шу нарса диққатга сазоворки, бу кузатишларнинг аксарият қисми тил материаллини лингвостилистик йўналишда ўрганишга, ижодкорларнинг индивидуал тили ва услубини тадқиқ этишга бағишланган бўлсада, уларда фоностилистик хусусиятларининг тадқиқи кузатилмайди.

Стилистика муаммоларини тадқиқ этишга бағишланган кўплаб асарларда унинг таърифига ҳам тўхталиб ўтилган. Улардан муҳимлари сифатида қуйидагиларни келтирамиз:

Виноградов В.В.: ...миллий тил стилистикаси тилнинг ҳамма жиҳатларини қамраб олади – «унинг товуш тузилишини ҳам, грамматикаси, гуфати, фразеологиясини ҳам. Бироқ у маълум тил ҳодисасини тарихий тараққиётдаги яхлит тил қурилишининг ички боғланган элементлари

сифатида эмас, фақат функционал дифференциация, у ёки бу даражада бир хил бўлган маъно ифодасида бир-бирига яқин, мувофиқ, параллел ёки синонимик воситаларнинг ўзаро муносабати ва таъсири ҳамда турли нутқий ходисалар экспрессив маъно ва оттенкаларининг мос келиши нуқтаи назаридан қараб чиқади; бошқа томондан эса, стилистика бу ходисаларни нутқий муомаланинг алоҳида шакллари ёки алоҳида ижтимоий чегараланган типлари ва кўринишлари билан алоқадорлиги нуқтаи назаридан ўрганади»[30.144].

Кузнецов В.Г.: «...стилистика ижодий маҳорат, тилнинг тасвирий воситалари ҳақидаги фан ҳисобланади. Сўз эстетикаси ва унинг матндаги ролини ўргана бориб, у лексикология ва грамматикага боғланган. Аммо, шу билан бирга, ўрганиш объекти, вазифаси ва методлари билан улардан тубдан фарқ қилади»[45,69-71].

Кожина М.Н.: «Энг умумий маънода стилистикани нутқий таъсирчанлик воситалари ҳамда баённинг мазмуни, мақсади ва муомала доирасига боғлиқ ҳолда тил бирликларидан бир қадар мақсадга мувофиқ фойдаланиш шарт қилиб қўйилган тилнинг амал қилиш қонуниятлари ҳақидаги лингвистик фан сифатида таърифлаш мумкин. Бунда, энг аввало, хизматга доир, илмий, бадиий, публицистик, маиший каби бир қолипдаги ва социал аҳамиятли бўлган муомала соҳалари ажралиб туради»[43.124].

Сапарова К.О.: «Миллий тил стилистикасининг мундарижаси бирмунча кенг бўлиб, у тилнинг барча стилистик системасини текширади. Бу стилистик система стиллардан ташқари, тилнинг ёзма ва оғзаки формаларини, адабий ва сўзлашув нутқ кўринишларини ҳам ўз ичига олади. Шундай қилиб, стилистика тил бирликларидан қайси бири у ёки бу стилда, ёзма ёки оғзаки нутқда кўпроқ ишлатилади, деган масала билан шуғулланади, Бундан ташқари, стилистикага фикр ва мақсадни ифодалашда, тил воситаларининг тўғри танлангани ёки танланмаганлигини

ниқлаш ҳамда шу тил воситаларини мақсадга мувофиқ танлаш ва ишлатиш йўллари белгилаш вазифалари юклатилади»[65.39-44].

Демак, тилдаги барча бирликлар – фонетик, морфологик, синтактик ва лексик бирликлар ҳам нутқ жараёнидаги ҳолатда стилистиканинг предмети бўлиши мумкин. Аммо уларнинг бирламчи маъноси кенгайиб, маълум эмоционал-экспрессив оттенкага эга бўлса, ва ҳатто, эстетик таъсир кучига эга бўлсагина шундай бўлади.

Инглиз тили стилистикасининг илмий-назарий ва амалий жиҳатларини ишлаб чиқишда ҳам, унинг асосий йўналишларини белгилашда ҳам ана шу мулоҳазалар таянч фикр сифатида олинган: «Стилистика – тилда мавжуд бўлган барча воситалар – лексик, грамматик, фонетик воситалардан нутқда қандай фойдаланиш зарурлигини, маълум бир типдаги форма, сўз ва конструкциялардан қайси бирини қўллаш мувофиқ эканини, яхши ва энг мувофиқ воситасини тавсия этади, норма қилиб белгилайди, нутқнинг турли стилистик қатламларида қўлланадиган воситаларни белгилаб беради. Шунга кўра, стилистика сўз санъати, ифода воситалари ҳақидаги алоҳида бир фандир».

Энди бир неча оғиз гап стилистиканинг йўналишлари ҳақида. Унинг асосий масалаларини чуқур таҳлил қилган В.В.Виноградов қуйидаги муҳим тезисни илгари сурган эди: «...тадқиқотнинг ҳеч бўлмаганда, уч хил доирасини чегаралаш лозим бўлади. Бу – биринчидан, «тизимлар тизими» сифатидаги тил стилистикаси ёки структурал стилистика, иккинчидан, нутқ стилистикаси, яъни тилдан ижтимоий фойдаланишнинг турли кўриниш ва ҳолатлари, учинчидан, бадиий адабиёт стилистикаси. Поетик нутқ назарияси ва тарихи ҳамда поетика айнан кейингиси қаторига киради»[30.128]. А.Будаговнинг бу борадаги фикри эса қуйидагича: «...стилистикани «тизимлар тизими» сифатида бир четга қўйиб туриб (бу тушунча ҳозирча жумбоқ бўлиб қолмоқда) бирмунча бошқача ва нисбатан

содда бўлишини таклиф қилишни истар эдим: 1) умумхалқ тили стилистикаси, 2) адабий тил стилистикаси, 3) бадий нутқ стилистикаси (ёки – бадий адабиётнинг ўзи)»[26.58-61]

Стилистиканинг йўналишлари ҳақидаги М.Н.Кожина таснифи бирмунча содда ва тушунарлидир:

1. Тилнинг стилистик ресурсларини ўрганувчи йўналиш. У анъанавий характерда бўлиб, маълум маънода тилнинг бўёқдор воситаларини, тасвирий имкониятларини, сўзлар, формулалар ва қурилмаларнинг семантик-функционал оттенкаларини изоҳловчи тасвирий стилистикадир. Унинг асосий объектларидан бири стилистик синонимия саналади. Тилнинг фонетик, лексик, фразеологик, морфологик ва синтактик воситаларини стилистик йўналишда ўрганиш ҳам шу соҳанинг вазифасига киради.

2. Функционал стилистика. Бу йўналиш тилнинг коммуни-катив вазифасидан келиб чиқиб муомаланинг у ёки бу доирасида амал қилиш қонуниятларини ўрганади.

3. Бадий адабиёт стиллари ҳақидаги фан. Бу йўналиш адабий тил билан бадий адабиётнинг турли хил жанрлари ўртасидаги муносабатни тадқиқ қилади. Ёзувчи ёки алоҳида олинган асар услубини ўрганиш ҳам шу соҳага киради.

4. Ва ниҳоят сўзловчи ёки ёзувчининг вазиятга, муомала муҳитига қараб тил бирликларидан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланишни ўргатувчи амалий стилистика[42.39-41].

Гарчанд В.В.Виноградов мулоҳазалари, кўп ўринларда тилга олинса-да, ўзбек тили стилистикаси йўналишларини тадқиқ этишда М.Н.Кожина таснифи этакчи ўринда турганлиги маълум бўлади. Р.Қўнғуровнинг куйидаги фикрлари ҳам бунинг далилидир: «Ўзбек тилини стилистик нуқтаи назардан тадқиқ этишга бағишланган илмий ишларни уч гуруҳга бўлиш мумкин: бир хилларида стилистиканинг умумназарий масалалари,

функционал стиллар таҳлил қилинади, бошқаларида тил нормалари, бадиий асар тили караб чиқилади учинчи бир хилларида ўзбек тилининг тасвирий воситалари ўрганилади»[47,49].

Стилистиканинг қамрови шу қадар кенгки, унинг айрим тушунчаларига аниқлик киритиб олишга тўғри келади. Тил стиллари ва нутқ стиллари ўртасидаги муносабатни аниқлаб олиш, бадиий адабиёт тилини ўрганиш аспектларини белгилаш, уни функционал услублар йўналиши бўйича ўрганиш ана шундай муаммолар қаторига киради.

В.В.Виноградов уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида муносабат билдирган:

«Тил стилистикаси ёки структурал стилистика формалар, сўзлар, сўз қаторлари ва қурилишларининг, тилнинг яхлит структураси ичида «тизимлар тизими» сифатида, муносабатдош бўлган турли хусусий тизимларни баён қилади, уларга баҳо беради, ўзаро муносабатларини, таъсирини ва алоқасини изоҳлайди. У типик белгилар йиғиндисини билан характерланувчи тил стилларининг тарихан ўзгариб турадиган тенденциялари ёки ўзаро муносабатларининг кўринишларини ўрганади. Бу стиллар одатда функционал стиллар дейилади, масалан, китобий стилга умуман қарама-қарши қўйилган ва коммуникатив-маиший вазифаси билан ҳамда шу сабабли баъзан кундалик-маиший ва кундалик-хизматга доир деб ажратиладиган, бошқа стиллардан чегараланган сўзлашув; махсус ва ўзига хос хусусиятлари, илмий-коммуникатив вазифага тегишлилиги билан аниқ билиниб турувчи илмий-хизматга доир; характерли сифатлари ва ташвиқот коммуникатив аломатлари билан кўзга ташланувчи газета ва журнал-публицистик; расмий-идоравий ҳамда расмий-ҳужжат ва бошқалар (масалан, тантанали-риторик, бадиий-тасвирий)».

«Нутқ стилистикаси ҳиссасига турли жанрлар ҳамда оғзаки ва ёзма нутқнинг ижтимоий шартлашилган кўринишларининг ўзаро семантик ва

экспрессив-стилистик характердаги нозии фарқларини аниқлаш вазифаси тушади. Чунки, оғзаки нутқнинг мунозараларда чиқиш қилиш, маъруза, кенгаш, матбуот конференцияси, доклад, у ёки бу аудитория билан суҳбат ва шу каби композицион шакллари одатда сўзлашув ва китобий тил элементларининг кўп кўринишдаги алмашилиб туриши ёки қоришиқ ҳолда келиши асосига қурилади».

Бадиий адабиёт стилистикаси учун адабиёт тизими ўзининг асосий стилистик шакллари ва бу шаклларнинг жанр кўринишлари билан, индивидуал-бадиий, мактаблар ва йўналишлар услублари ва шу кабилар атрофида айланадиган қиёслаш ва қарама-қарши қўйишлари билан биргаликда тадқиқот предмети саналади.

А.В.Степанов ҳам тил стили ва нутқ стилини фарқлайди. У тил стилистикасига адабий тилнинг ёзма кўринишлари бўлган адабий-бадиий, илмий, публицистик, нотиклик, амалий, эпистоляп услуб тараққиётини ўрганувчи тарихий соҳа деб қарайди. Унингча, адабий тил тарихи шу услублар тарихидан иборат. Нутқ стилистикаси ҳам услубларни ўрганади. Аммо улар тарихий тараққиётда, ўзаро бир-бирига ўтиб ёки яқинлашиб бориш ҳолатида эмас, балки ҳозирги нутқий жанрларда қўлланишини ўрганади. Тил стили фақат ёзма шаклда, нутқ стили эса ҳам ёзма, ҳам оғзаки шаклда фаолият кўрсатади. Тил белгиси унинг ҳамма жанрларида ҳам ядролилигича қолаверади. Нутқ стилистикаси тилнинг ҳозирги ижтимоий, ёки бизда «оммавий алоқа тили», нутқ маданияти деб аталадиган қўлланилишини ўрганади[69.41-45].

Р.А.Будагов ҳам бу масалага ўз муносабатини билдирган. Унингча бу стиллар бир-бирларидан фарқланиши керак. Чунки, тил стиллари фонетик, лексик, синтактик асосларга таяниб шаклланади Нутқ стиллари эса нутқ жараёни билан боғлиқ равишда сон жиҳатдан жуда кўпдир[26].

Бизнингча, тилнинг амалий қонуниятларини чуқур ўрганган М.Н.Кожина бу масалаларга тўғри ёндашган. Унинг фикрича, тилнинг динамик ҳодиса

деб изоҳланиши, ўзининг келиб чиқиши ва амалда бўлишига кўра стилистик аспекти айнан нутқий фаолият тилнинг функционал томони билан боғлангани тил стиллари ва нутқ стилларини қарама-қарши қўйиш муаммосини олиб ташлашни тақозо қилади.

Функционал стиллар тилнинг амалий жиҳатларини кўрсатувчи ҳодисадир. Гарчи у тил стиллари саналса ҳам, бироқ «функционал» атамаси тилнинг динамик томони – унинг нутқ жараёнида амал қилиши билан боғлиқ. Шу маънода уларни нутқий дейиш мумкин. Натижада «функционал» аниқловчиси бу ерда «нутқий» сўзи билан синонимик вазифани бажаради. «Шундай қилиб, функционал стиль– бу бир вақтнинг ўзида ҳам тил стили, ҳам нутқ стилидир, аниқроғи эса, *тилнинг функционал аспекти услубидир*»[43.55].

Демак, тил стиллари ва нутқ стилларини доимо биргаликда, диалектик алоқадорликда олиб қаралгандагина, тилга, унинг аҳамиятига тўғри муносабатда бўлинади. Ўзбек услубшунослигида ҳам таҳлил жараёнида мана шу хулосаларга таяниб иш кўрилмоқда.

Энди бир неча оғиз гап бадиий адабиёт стилистикаси ва бадиий услуб ҳақида. В.В.Виноградов стилистиканинг уч йўналишини белгилашда, унинг учинчиси – бадиий адабиёт стилистикасининг ҳам объектини кўратиб берган эди: «Бадиий адабиёт стилистикасининг мақсади маълум таҳлил йўли билан адабий асарни ташкил этишнинг қонуниятлари ва усулларини очишдир, ёзувчини индивидуал услубини, адабий мактаблар, бадиий асарлар ва шу кабиларнинг тузилиш тизимидаги индивидуал ўзига хослигини тасвирлаб бериш ва аниқлашдир»[30.].

Демак, бадиий адабиёт стилистикаси ёзувчи ёк унинг маълум асари, адабий мактаблар, йўналишлар ҳамда маълум давр адабиётининг услубий ўзига хосликларини ўрганади. Бунда энг кичик бир асарнинг сюжети ва композициясидан тортиб, ёзувчи яшаган муҳит ёки асар воқеалари акс эттирилган давргача бўлган жуда катта чегара ҳисобга олинади ва албатта

асарнинг тилига ҳам мурожаат қилинади. Бошқача қилиб бу стилистикани адабиётшунослик стилистикаси, деб ҳам атайдилар.

Бадиий асар матнини таҳлил қилишнинг тилшунослик фани манфаатдор бўладиган бошқа бир жиҳати ҳам борки, уни икки йўналишга ажратиб қарашга тўғри келади.

Биринчидан, бадиий асар матнидан тилни синхроник ва диахроник йўналишда ўрганишда, тилшуносликнинг эса назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқишда, унинг маълум даврдаги ёки ҳозирги пайтдаги аҳволини, тараққиёт қонунларини ўрганишда, турли категорияларни илмий таҳлил қилишда материал сифатида фойдаланади. Худди ана шундай материал вазифасини турли даврларда ёзилган тарихий ва илмий асарлар, халқ оғзаки ижоди намуналари ҳам бемалол ўтайвериши мумкин. Бу тадқиқот бадиий асар ёки унинг муаллифининг, ижодий оқимлар, йўналишлар, мактаблар ёки маълум давр тили ва услубининг ўзига хослиги ҳақида тўлиқ тасаввур бера олмайди ва бу унинг вазифасига ҳам кирмайди. Иккинчидан, бадиий асар материалидан тилда юз бераётган сифат ўзгаришлари, яъни маъно тараққиётини аниқлаш мақсадида фойдаланилади. Бунда тадқиқотчининг ўз олдида қўйган мақсадидан келиб чиқиб, тилдаги ҳамма бирликлар – фонетик бирликдан тортиб фразеологизмларгача бўлган катта материал қамраб олинади в улар янги бир призмадан – стилистик призмадан ўтказилади. Бу тадқиқотларда тил воситаларининг ўз бирламчи маънолари эмас, балки матний, нутқдаги қўшимча маънолари, уларнинг бажарган вазифалари ва бу бажарган вазифасига қараб чегараланишлари ўрганилади. Миллий тил бойлигини, унинг бугунги аҳволини белгилашда катта роль ўйнайдиган бу йўналишни лингвистик стилистика деб атайдилар.

Бу ўринда фақат шуни қўшимча қилиш мумкинки, адабиётшуносликда тилни билмасдан туриб асарнинг бадиий эстетик қиммати тўғрисида тўлақонли хулоса чиқариб бўлмайди. Худди шунингдек, турли

жанрлардаги бадий асарларга материал сифатида таянмаган тилшуносликнинг таракқиётини ҳам тасаввур қилиш қийин бўлади.

Бадий асар тилини тилшунослик аспектида ўрганишнинг катта умумназарий аҳамияти бор. Биринчидан, у маълум бир давр тилини, унинг таракқиётини ҳамда вазифавий услубларини ўрганиша ёрдам беради, иккинчидан, ёзувчининг тил материалидан фойдаланишдаги индивидуал ўзига хослигини аниқлашга кўмаклашади.

Шундай қилиб, стилистика ҳам адабиётшуносликнинг, ҳам тилшуносликнинг интеграл узвий қисмига киради. Айни пайтда уларнинг тадқиқот доираси қисман бир-бирига мос келади, қисман фарқ қилади.

Маълумки, кишилар ўз ижтимоий фаолиятларида тилдаги барча воситалардан – фонетик, грамматик, лексик, фразеологик бирликлардан фойдаланганларида, аввало, уларни ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб, нутқ мавзусига, вазиятга қараб танлайдилар ва ишлатадилар. Тилимиздаги воситаларнинг бир нечалаб кўринишларга эга бўлиши, синонимик ранг-баранглик шундай йўл тутишга имкон беради. Мана шу танлаш нутқ жараёнида тил бирликларининг ўзига хос услубий чегараланишини тақозо қилади. Тил элементларини ижтимоий муҳитда танлаб ишлатиш зарурати ва уларни тилшуносликда илмий-амалий таҳлил қилиш стилистикада янги соҳани – функционал стилистикани – вазифавий услубшуносликни вужудга келтирди.

Тилшуносликда вазифавий услублар таснифи борасида мунозарали фикрларнинг бўлишидан қатъий назар, бунда икки йўл аҳамиятли ҳисобланади:

- 1) тилнинг ижтимоий вазифасига асосланиш;
- 2) у қўлланадиган доирани, муҳитни эътиборга олиш.

Бундай пайтда тил бажарадиган ижтимоий вазифадан келиб чиқиб иш кўриш мақсадга мувофиқлиги асос эътиборга олинса, В.В.Виноградов таснифининг нима учун шухрат қозонганлигининг сабабини тушунса

бўлади: «Тилнинг алоқа, хабар ва таъсир каби муҳим ижтимоий вазифалари ажратилганда тил структураси умумий планида қуйидаги услублар чегараланган бўлиши мумкин эди: кундалий-маиший услуб (алоқа вазифаси), кундалик-хизматга доир, расмий-хужжат ва илмий (хабар вазифаси), публицистик ва бадиий-беллетристик (таъсир вазифаси)».

Баъзи тадқиқотчилар вазифавий услублар таснифида фақат тил бажараётган вазифани ҳисобга олишнинг ўзи этарли эмас деб ҳисоблайдилар. Бунда улар нутқнинг мавзуси, сўзловчи ва тингловчининг (ёзувчи ёки ўқувчининг) шахси ва улар ўртасидаги муносабат, мулоқот пайтидаги вазият кабиларнинг ҳам аҳамияти муҳим эканлигини алоҳида қайд қиладилар. «Ҳозирги замон стилистикасида, - деб ёзади В.Г.Кузнецов. – вазифавий услубларни ижтимоий онгнинг маълум соҳалари билан ўзаро муносабати ҳамда ижтимоий муносабатларга алоқадорлигига боғлиқ ҳолда ажратиш принципи кенг тарқалди. Моддий борлиқни, реал воқелиқни акс эттира бориб ижтимоий онг – жамият ҳаётининг маънавий томони –маълум ҳуқуқий, юридик, сиёсий, илмий, эстетик, этик ва бошқа қарашларни, тасаввур ва назарияларни ўзига қўшиб олади. Ижтимоий онг доираси услубга нисбатан бирламчи бўлиб, унинг шаклланиши, амал қилиши ва ривожланишини белгилайди. Ижтимоий онгнинг ҳар бир соҳаси маълум тил воситаларини танлаш ва (маълум матнга) беркитишда ўз ифода усулига эга. Шундай қилиб, функционал услубларни аниқлаш замирида экстралингвистик омил бўлиши керак»[45.52-53].

Ҳар икки омил – лингвистик ва экстралингвистик (паралингвистик) омиллар биргаликда олингандагина вазифавий услубларга бўлган қараш атрофлича бўлиши, уларнинг қамров доираси бирмунча аниқ ифодаланиши мумкин.

Вазифавий услублари миқдори ва таснифи ҳақида ҳам турлича қарашлар мавжуд. Стилистиканинг вазифаси у ёки бу стилда ёки нутқ формасида, яъни оғзаки ва ёзма нутқда, қандай тил ҳодисалари кўпроқ

кўлланишини аниқлашдан иборатдир деган гаплардан тушуниш мумкинки, тил ёки нутқ стиллари ёзма ва оғзаки услубларига ажратилган. Ёзма нутқ:

- 1) бадий нутқ,
- 2) илмий нутқ,
- 3) публицистик нутқ,
- 4) расмий нутқ,
- 5) нейтрал нутқдан иборатдир (Бу нутқ турлари айрим адабиётларда стилистик қатламлар сифатида талқин қилинади).

Оғзаки нутқ эса турли ижтимоий қатламларнинг нутқларидан, турли шева нутқларидан ташкил топади.

Нутқ стили бўлса қуйидаги қатламлардан иборат бўлади:

- 1) нейтрал стил,
- 2) тантанали стил,
- 3) интим стил,
- 4) юмористик стильва сатирик стил,
- 5) расмий стил.

Нутқда (хоҳ ёзма, хоҳ оғзаки бўлсин) бу стиль қатламлари аралашиб келади, нутқ жанрига кўра бирор стилистик қатлам этакчи, асос бўлади. Баъзи мутахассислар эса ушбу масалага бошқача ёндошадилар:

1. Тил услублари.

А. Китобий услуб;

Б. Сўзлашув услуби.

2. Нутқ услублари.

А. Асосий коммуникатив услуб. Бу услубга ўз навбатида:

- а) сўзлашув нутқи услуби;
- б) илмий нутқ услуби;
- в) газета – публицистик услуби;
- г) расмий – иш нутқи услуби киради .

Н.А. Баскаковнинг куйидаги мулоҳазалари туркий тилларда унинг яна бошқа турлари мавжуд бўлганлигидан далолат беради: «Туркийнинг ҳар бир маҳаллий варианты стилистик системалари, биринчидан, ҳам прозаик, ҳам поетик жанр типлари ва кўринишларининг улкан ривож ва мураккаблашиши билан, иккинчидан, барча функционал услубларнинг;

1). илмий – публицистик, (тарихий) жуғрофий, филологик характердаги прозаик ва поетик трактатлар, табиий ва аниқ фанлар бўйича прозаик ҳамда поетик асарлар ва бошқалар;

2) бадий (прозаик ва улкан даражадаги поэтик асарларнинг кўплаб поэмалар, дostonлар, ғазаллар, мухаммаслар, соқийномалар, қитъалар, рубоийлар, туюқлар каби ҳар хил турлари ва хиллари);

3) хизматга доир (фармонлар, тархон ёрлиқлари, номалар, турлича дипломатик ҳамда ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқалар);

4) диний услуб (вақф ҳужжатлар, диний фалсафий ва ҳуқуқий асарлар, тафсиrлар, имомларнинг диний мурожаатлари каби) ларнинг кўплаб поетик ва прозаик жанр кўринишлари шаклланиши билан характерланади.

Функционал услубларнинг бу барча типлари ва кўринишлари ўрта ва янги давр ёзма ва оғзаки туркий тилларда сезиларли даражада кўпчилик туркий халқлар учун расмий дин бўлган ислом таъсирида, у орқали эса ўша даврда амалда бўлган қоидалар – адабий ёзма, қисман оғзаки, араб ва форс тиллари таъсирида шаклланди»[22.56].

Шундай қилиб, тадқиқотларда вазифавий услублар сони ўнtagача кўрсатилади: бадий-беллетристик, ижтимоий-публицистик (матбуот), илмий баён, техник-ишлаб чиқариш, расмий-ҳужжат (идоравий), эпистоляр, нейтрал, нотиқлик, маиший нутқ, диний каби. Бу таснифларнинг кўпчилигида асосан бешта услуб такрорланади: сўзлашув услуби, расмий услуб, илмий услуб, оммабоп услуб, бадий услуб.

1.3. Фоностилистик ўзгаришларни белгиловчи экстралингвистик омиллар

Фоностилистикани мулоқотнинг турли соҳа ва ҳолатларида фонетик ходисаларнинг услубий вазифалари, аҳамияти ҳақидаги қонуниятларни ўрганувчи фан сифатида тушуниш уни ижтимоий лингвистиканинг ташкилий қисмига айлантиради. Нутқнинг турли услубий кўринишларининг фонетик шаклланиши фоностилистик тадқиқот учун муҳим масаладир.

Тил воситаларини ишлатиш турларига таъсир этувчи кўпгина омиллар бўлиб, улар орасида фонетик воситалар ўзига хос хусусиятга эга. Ушбу масала юзасидан олиб борилган изланишлар натижасида қуйидаги омиллар асосий ҳисобланиб, улар фоностилистик ўзгаришларни содир қилади:

1. Сўзлашув мақсади;
2. Сўзловчининг муносабати;
3. Алоқа шакли;
4. Расмийлик даражаси;
5. Тайёргарлик даражаси.

Таъкидлаш жоизки, ушбу рўйхатдаги пунктни асосий – фонетик стил ташкил этувчи омил сифатида қабул қилиш мумкин, бошқа омилларни эса маълум бир услуб ичида стил ўзгартирувчи воситалар деб қабул қилиш мумкин.

Бундан ташқари барча омиллар ўзаро ички муносабатда бўлишини ва бир-бири билан боғлиқ эканлигини инобатга олиш керак.

Қуйида биз ҳар бир омил ҳақида алоҳида фикр юритамиз. Бунда биринчи омил, яъни **сўзлашув мақсади** бўлиб, унда, энг аввало, талаффуз тури сўзловчининг мақсади ва у талаффуз тури сўзловчининг мақсади ва у талаффуз қилмоқчи бўлган лексик бирликларга боғлиқдир. Сўзловчи

нутқини ташкил этишда ўз мақсадига эришиш учун қандай фонетик имкониятлардан фойдаланади – у тингловчига мурожаат қилиш билан уни ишонтиришга, кўндиришга, жазо беришга, ёки бирор нарсага ўргатишга, реклама қилишга, текширишга ҳаракат қилади. Бунда у ўзининг мақсадини амалга ошириш учун маълум бир фонетик воситалардан фойдаланишга мажбур бўлиб, улар орасидаги энг маъқул вариантини танлаб олади. Фоностилистик нуқтаи назардан биз ўз мақсадига эришишга ҳаракат қилувчи сўзловчининг шароитга кўра ўрни ҳақида сўз юритишимиз мумкин.

Яна бир экстралингвистик омил – сўзловчининг **шароитга** нисбатан муносабати, яъни унинг сўзланаётган ва эшитилаётган нутққа муносабатидир[12,10]. Маълумки, инсон кундалик ҳаётининг ажралмас қисми мулоқот ва унинг шароити ҳисобланади. Шунинг учун ушбу шароитга ўз нуқтаи назаридан қараши, унга даҳлдор эканини сезиши ва унга таъсир кўрсата олиши муҳим аҳамиятга эгадир. У сўзлаётган мавзу (нутқ) унга ёқиши ёки ёқмаслигидан қатъий назар, у ўз муносабатини экстралингвистик йўл билан ифода этади. Бу нарса оғзаки нутқнинг ўзига хос хусусиятлари борлигини яна бир бор таъкидлайди.

Маълумки, оғзаки нутқ тингловчига қаратилган бўлади ва одатда у турли интонациялар орқали ифодаланиб, унда сўзловчи ўз муносабатини турли шароитда турлича ифодалайди ҳамда уни бевосита ёзма нутқдан фарқлайди.

Мулоқот шакли ҳақида фикр юритар эканмиз, биз, энг аввало, мулоқотнинг 2 тури – монолог ва диалог ҳақида тўхталишимиз керак.

Монолог бу мулоқотнинг шундай турики, унда сўзловчи бошқалар томонидан тўхтатилмайди. Лингвистик нуқтаи назардан олганда монолог одатда узун бўлади ва унда фонетик, лексик, грамматик боғлиқлик

кузатилади, яъни бир-бири билан ўзаро маъно жиҳатидан боғланган узвий бутунликни ташкил этади. Монологни ўзлаштириш, яъни нутқ ирод этиш махсус тайёргарликни талаб этадиган жараёндир, чунки инсонлар одатда диалогга тезроқ киришиши мумкин, аммо монологик нутққа ҳамма вақт ҳам тайёр бўла олмайдилар.

Диалогда сўзлашув нутқига бошқа бир аъзонинг қўшилиши мумкинлиги ва унга таклиф этилиши кўзда тутилади. Шундай бўлсада, бу ҳар икки турнинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, улар тилнинг барча сатҳларида намоён бўлади.

Фоностилистик ўзгаришларга олиб келувчи яна бир экстралингвистик омил – бу сўзлашув нутқи юз бераётган шароитнинг **расмийлик даражасидир**. Мулоқот жараёнида унда иштирок этувчиларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ҳам маълум даражада мулоқотнинг турига таъсир кўрсатади. Сигналлар коди сифатида овоз, нутқ товушлари, талаффуз оҳанги, тон, урғу, турли товуш ўзгаришларини қабул қиламиз. Табиатнинг худди шундай моддий сигнали унинг бошқа иккинчи моддий сигналига ўтиши мумкин. Масалан: ёзма нутқ, оғзаки нутқ ва ўқиш жараёнлари. Ёзма нутқ жараёнида товушлардан ҳарфларга, оғзаки нутқда нутқий ҳаракатдан товушларга, ўқиш жараёнида эса ҳарфдан товушга ўтиш кузатилади.

Нутқий ҳаракат → товуш → ҳарф. Демак бу ерда нутқий ҳаракат бирламчи код бўлиб, ундан товуший код, товуший коддан эса ҳарфий код келиб чиқади. Ушбу учала кодни ўзлаштириш тўғри нутқни таъминлайди.

Нутқий мулоқот жараёнида сўзнинг истеъмол доираси кенгая боради. Бунда фонетик мотивацияланишнинг ўрни ва роли каттадир.

11-боб Фонетик стиллар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари

2.1. Нутқ, нутқий услублар ва нутқ маданияти – фоностилистика объекти сифатида

Нутқ маданияти тушунчасининг моҳиятини, илмий йўналиш сифатида бу соҳанинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш кўп жиҳатдан нутқ билан нутқий услублар, нутқ маданияти соҳаси билан услубият фани орасидаги муносабатни тўғри белгилашга боғлиқдир. Ҳозирга қадар бу икки ҳодиса ва тушунча орасидаги умумий ҳамда фарқли томонлар етарли равишда ўрганилган эмас. Илмий адабиётларда нутқ маданияти ҳақида гап борганда кўп ҳолда бу соҳа билан услубият биргаликда талқин қилинади[13,21,28].

Бу икки соҳа орасидаги муносабатни белгилашда фанда тўрт хил нуқтаи назар олдинга сурилади:

1. Нутқ маданияти - бу услубиятнинг ўзидир;
2. Нутқ маданияти - бу амалий услубиятдир;
3. Нутқ маданияти билан услубият ўзаро зич боғлиқ бўлган соҳалардир;
4. Нутқ маданияти ва услубият ўзаро зич алоқадор, аммо ҳар қайси ўзича мустақил илмий соҳалардир.

Келтирилган қарашларни тасдиқлайдиган баъзи фикрларни қисқача таҳлил қилиб кўрайлик. В.В.Виноградовнинг нутқ маданияти муаммосига бағишланган мақолаларида «тил маданияти» ва «нутқ маданияти» атамалари барабар қўлланилади. Унинг фикрича, тил маданияти ёки нутқ маданияти деб юритилувчи фан назарий амалий соҳадир. Бу соҳа адабий тил услубиятидан тил услубияти билан нутқ услубияти оралиғида турувчи бир фан эканлиги билан фарқланади:

«Тил маданияти ва нутқ маданияти ҳақидаги фан тил услубияти ва нутқ услубияти билан чегарадош бўлиб назарий ва амалий соҳадир. У тилнинг кейинги давр ривожига жонли ва жадал таъсир этиш мақсадида адабий тилнинг асосий эстетик меъёрларини шакл ва анъаналарини бадиий адабиёт услублари усуви билан боғлиқ ҳолда умумлаштиради ва

хулосалайди» ва янада такомиллаштириш иши қизиқтирмайди. Услугият учун жорий ҳарфлар, имловий меъёрлар ва талаффуз шаклларининг услубий вазифалари аҳамиятлидир. Нутқ маданияти ўз мақсад ва вазифалари доирасига кўра анча кенг соҳадир. Услугият эса унга нисбатан олинганда анчагина тор, жузъий соҳадир.

Ҳар бир вазифавий услубнинг ўзига хос хусусиятларини билиш уни онгли ўзлаштириш, эгаллаш нутқ маданиятини кўтариш учун аҳамиятли экани шубҳасиздир. Масалан, баъзи муаллифларнинг ўз ишларини илмий тил ва услуб талаблари даражасида ёза олмаслиги, уларнинг илмий - публицистик, илмий - оммабоп услубни том маънодаги академик илмий услубдан фарқлай олмасликлари, шунингдек, баъзи бадиий асарларни эса газета тилига, илмий — публицистик услубга яқин бир тилда ёзилганини ёки ўзбек тилида ёзилаётган расмий - идоравий ҳужжатлар тилининг расмий услуб меъёрларига жавоб бера олмаслиги, улар тилининг пишшиқ - пухта эмаслиги ва бошқалар аслида илмий услуб, илмий-публицистик услуб, илмий-оммабоп услуб, бадиий услуб, расмий услуб меъёрлари ва улардан фойдаланинг мезонини билмаслик натижасидир. Мана шу маънода нутқ маданиятини кўтариш аслида ҳар бир аниқ нутқий услубнинг ўзига хос тил маданиятини кўтариш ҳамдир. Вазифавий услублар уларнинг ҳар бирига хосланган тил воситалари ва бу воситаларни танлаш ва қўллаш мезонини билмасдан туриб услубларнинг тил маданиятини кўтариш мумкин эмас. Демак, адабий тилни меъёрлаш бўйича нутқ маданияти соҳасида олиб бориладиган ишлар ва бу ишнинг натижалари ҳар бир нутқий услуб доирасида ўзига хос гавдаланади. Адабий тилни меъёрлаш бўйича амалга ошириладиган ишлар бу тилда мавжуд бўлган вазифавий услубнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Шу сабабли ҳам адабий тилнинг ягона, умуммажбурий меъёрларида синонимияга, луғавий, морфологик ва синтактик вариантларига, фикрни параллел равишда икки хил ифодалаш усулларига, сўз ясалиши, сўз

ишлатилишида муайян яқинликка йўл қўйилади. Бунда ушбу нутқий воситаларнинг турли услубларда аниқ бир услубий эҳтиёжга кўра танланиши ва қўлланиши кўзда тутилади. Мана шу маънода нутқий услублар адабий тил (маданий тил) турғун меъёрларнинг маълум даражада нариантдор, кўп киррали ва кўп вазифали бўлишини ҳам талаб қилади. Лекин нутқ маданияти (маданий нутқ) учун биринчи иавбатда адабий тил доирасида шаклланувчи услублар - илмий услуб, илмий — оммабоп услуб, расмий услуб, илмий-публицистик услуб, адабий — сўзлашув услуби, шунингдек бадиий услуб ва улар таянувчи меъёрлар муҳимдир.

Нутқ маданияти билан услубиятнинг ўзаро муносабати ҳақида гап борганда тил ҳодисаси бўлган нутқ маданиятини, нутқий услубларни илмий соҳа бўлган нутқ маданияти ва услубиятдан фарқлаш лозим бўлади. Буларнинг биринчиси табиий ҳолда реал мавжуд бўлган тил ҳодисаларини англатса, иккинчиси ўша ҳодисаларни ўрганувчи фан тармоқларини англатади. Шундай қилиб, нутқ маданияти билан нутқий услублар тенг ҳодиса бўлмаганидек, тилшуносликнинг нутқ маданияти услубият деб юритилаётган соҳалари ҳам батамом тенг ҳодисалар эмас. Аммо улар бири иккинчисини тўлдирувчи, ўзаро алоқадор бўлган лисоний муаммолардир. Кишиларнинг тил бирликларидан, яъни фонетик, грамматик, луғавий ва фразеологик воситалардан фойдаланишда доимо ўзига хослик мавжуд бўлиб, бу нарса сўзловчининг ўзига хос услубини келтириб чиқаради. Стилъ, яъни услуб термини жуда қадим замонлардан буён ишлатилиб келинаётган бўлиб, у турли даврларда турли соҳаларда турлича тушунилди ва изоҳланди. Аслида стилъ грекча стилос сўзидан олинган бўлиб, ёзиш учун ишлатиладиган учи ўткирлаштирилган таёкчани билдирган. Қадимги меъёрлаш римликлар, грецияликлар услубга кишиларни ишонтириш санъати сифатида қараганлар. Ҳиндлар уни нутқни безаш воситаси деб билган бўлсалар, араблар бу сўз билан ўзларининг диний эътиқод ва қоидаларига тўғри келадиган кийимларини ҳам атаган эдилар. «Стилъ»

сўзининг филологик термин сифатида ишлатилиши кейинги асрлардангина бошланди.

Кўплаб адабиётшунос ва тилшунос олимлар мазкур тушунчага таъриф беришга ҳаракат қилганлар. Бу таърифларда бир - бирига карама - карши фикрлар, масалага турлича ёндошишлар ҳам йўқ эмас.

В.В.Виноградов томонидан берилган таъриф: «Услуб - бу жамоатчилик томонидан англаб етилган вазифавий жиҳатдан келишилган, қўлланиш воситаларининг ички уюшган услуб йиғиндиси, нутқий муомала воситаларининг у ёки бу умумхалқ, умуммиллий тил доирасида, ифоданинг ижтимоий нутқ амалиётида худди шундай бошқа бир вазифани бажарадиган, маълум мақсадга хизмат қиладиган воситаларга нисбатан танланиши ва уйғунланишидир».

Тилшуносликда айтилган фикрларга асосланиб услуб (стиль) тушунчасига шундай таъриф бериш мумкин. *Услуб тилнинг жамият ижтимоий фаолиятининг маълум томони билан боғланган ўзига хос лугати, фразеологик бирикмалари, грамматик қурилмалари билан нутқнинг худди шундай бошқа турларидан ўз ички хусусиятлари билан тафовут қилиб турувчи кенжа системасидир.*

Лисоний услублар тўғрисида баҳс юритилганда асосан вазифавий услублар назарда тутилади.

Вазифавий услублар, уларнинг таснифи масаласида «тил кишиларнинг энг муҳим алоқа воситасидир» деган фикрдан келиб чиқиш керак. Тил пайдо бўлганданоқ кишилар учун худди шу вазифани бажара бошлади. Жамият тараққиёти билан тилнинг ижтимоий вазифаси ҳам тараққий этиб, ривожланиб борди. Шунинг учун ҳам вазифавий услубларни ҳосил қилувчи асосий омиллар кишиларнинг ижтимоий фаолияти ва бунинг доиралари ҳисобланади.

Тил услубларининг ҳаракатда олиниши, аниқ амалга ошиши нутқ услуби деб юритилади. Сўзловчи ёки ёзувчи нутқининг характери нутқнинг

кандай мухитда, кандай мақсадда бажарилаётганига боғлиқдир. Демак, маълум соҳа, шароит, мақсад ва вазифалар билан боғлиқ равишда сўзловчи тилнинг аниқ воситаларини ишлатади. Бу воситаларнинг алоқанинг айрим олинган бир соҳасида доимий равишда ишлатилиши, бошқача қилиб айтганда, тилнинг бу воситалари услубий тармоқланиши натижасида вазифавий услублар шаклланади.

Илмий адабиётларда, дарсликларда вазифавий услубларга нисбатан «тил стиллари», «нутқ стиллари», «функционал нутқ стили», «тилнинг стили», «нутқнинг стили» каби атамалар ишлатилади. Тил ва нутқ услублари, уларнинг таркиби, бу услубларнинг фарқлари, мезонлари, оғзаки сўзлашув нутқи, бадиий адабиёт тилининг услубий макоми масалаларида ҳам олимлар бир фикрга келишган эмас. Кўпгана асарларда «тилнинг вазифадош услублари», «нутқнинг вазифадош услублари» тушунчалари бир хил ҳодиса сифатида тушунилади ва тушунтирилади. Аслида эса улар бир-биридан фарқ қилади. Бизнингча эса тил услублари атамасидан фойдалана бериш лозим.

Нутқ услублари деганда, тил услубларининг алоқа жараёнида қўлланилиши тушунилади. Бошқача айтганда, нутқ услублари тил услубларининг ҳаракатдаги шаклидир.

Ҳозирги вақтда тилшуносликда тил услублари таснифида вазифавий услублар тан олинади. Ҳар бири алоҳида олинган услуб ўзининг услубий буёғи билан бошқа услублар учун хос бўлган тил бирликларидан фарқ қиладиган, у ёки бу даражада улар билан услубий рақобат ҳосил қиладиган маълум бир системага эга бўлади. Академик В.В. Виноградов айтганидек, тилнинг уч хил энг муҳим ижтимоий вазифаси мавжуд: алоқа, хабар, таъсир этиш. Ана шу уч вазифани бажаришда тарихий жиҳатдан тилнинг ҳар бири ўзига хос луғавий фразеологик ва грамматик воситаларига эга бўлган кенжасистемалар шаклланади. В.В.Виноградовнинг бу умумий таснифи асосида тил услублари шундай турларга ажратилади:

1. Сўзлашув нутқи услуби;
2. Илмий услуб;
3. Расмий иш қоғозлари услуби;
4. Публицистик услуб (оммабоп услуб);
5. Адабий - бадиий нутқ услуби.

Сўзлашув услуби. Сўзлашув услуби кишиларнинг кундалик норасмий, эркин муомалалари доирасида тил бирликларининг ўзига хос амал қилувидир.

Нутқда тил унсурларининг иштирок этишига кўра китобий услуб сифатида қаралувчи илмий, расмий иш қоғозлари ва публицистик услубларга сўзлашув услуби қарши туради дейиш мумкин. Сўзловчи ва тингловчи ўртасида нутқий алоқанинг бевосита амалга ошуви, нутқий жараённинг олдиндан тайёрлаб қўйилмаганлиги, нутқий муносабатда бўлаётган кишилар ўртасида расмий муолмаланинг бўлмаслиги сўзлашув услубини бошқа вазифавий услублардан кескин чегаралайди.

Сўзлашув услубининг яна бир фарқи шундаки, унда лисоний на нолисоний омилларнинг муносабати бошқа услубларга қараганда мустаҳкамдир.

Сўзлашув услубининг ўзига хосликлари:

1. Нутқ кўпинча эллиптик характерга эга бўлади. Сўзлашув жараёнидаги вазиятга кўра баёнотнинг маълум қисми нутқда колдирилиб кетилавериши мумкин. Бундай ҳолатда ҳам тингловчиларга фикр тушунарли бўлади. **Масалан, Қорами? Кўкми?**
2. Сўзлашув нутқида тил бирликлари ўзининг экспрессивлик имкониятларини кенг намоиш қилади. Масалан, улгурмаймиз дейишдан кўра улгуриб бўпмиз, улгурмоқ қаёқда, улгуриб ҳам бўлдик каби жавоб қайтариш бир мунча табиийроқдир.
3. Оҳангнинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлади. Нутқий оҳанг оғзаки нутқнинг амалга ошувида тил бирликларидан кейинги муҳим ҳал қилувчи

восита бўлиб, нутқнинг тезлиги пауза, тон, мелодия, товуш тембри, мантикий урғу ва сўз урғуси каби интонациянинг кўринишлари маънони фарқлашда, унинг қирраларини ажратиб кўрсатишда, хаяжонни кучайтиришда катта хизмат қилади.

Сўзлашув услуби фонетик, лексик, грамматик ўзига хосликларга ҳам эга. Нутқда товушларнинг уйғунлашуви (ассимиляция), бир товуш ўрнида иккинчисининг талаффуз қилиниши (диссимиляция), товушларнинг ўрни алмашиши (метатеза), товушларнинг орттирилиши (протеза, эпентеза) ёки туширилиб қолдирилиши (прокопа, редукция) каби фонетик ҳодисалар сўзлашув услубида намоён бўлади.

Барча вазифавий услублар учун умумий бўлган адабий холис луғавий қатлам сўзлашув нутқи учун ҳам хосдир. Сўзлашув услуби луғавий қатламида кундалик турмуш муомапасида фаол қўлланадиган сўзлар ва экспрессив буёққа эга бўлган сўзлар кўзга ташланиб туради.

Бу услуб ўзига хос фразеологизмлар, идеоматизмларга ҳам бой.

Илмий услуб. Илмий услуб фан, техника ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган вазифавий услубдир. Илмий услубнинг ҳозирги замон тараққиёти билан боғлиқ равишда қуйидаги умумий хусусиятларини кўрсатиш мумкин:

1. Ахборотнинг объективлиги, аниқлиги;
2. Нутқнинг маълумотларга бойлиги;
3. Фикрнинг қисқа, лўнда ифодаланиши.

Фаннинг у ёки бу соҳасига тегишли тушунчаларнинг ифодаловчи атамаларга бойлиги илмий услубнинг энг асосий хусусиятларидан биридир.

Илмий услуб лексикаси кўпроқ китобий, нейтрал сўзларни тўғри маъносида қўллаш характерлидир. Бу услуб учун бегона унсурларни, тилнинг образли воситаларини қўллаш характерли эмас. Илмий услубнинг

синтактик хослиги шундаки, кўшма ва мураккаб гапларга тез-тез мурожаат қилинади.

Публицистик услуб. Публицистик асарларнинг (масалан, хабар, репортаж, корреспонденция, мақола, очерк, фельтон, памфлет, бош мақола ва бошқаларнинг) услубий чегараланиши уларнинг алоҳида лисоний белгиларига эга эканлигида кўринади.

Адабий тилнинг бойишида публицистик услубнинг роли катта. Публицистик услуб ижтимоий - сиёсий билимларни тарғиб қилиш ва кенг халқ оммасига етказувчи восита сифатида бу услуб тилининг ранг - баранглиги орқали кишилар онгига кўпроқ таъсир этади.

Бу услубнинг яна бир хусусияти шундаки, унда қисқалик марказий ўринларидан бирини эгаллайди, яъни қисқа, лўнда, тушунарли, ёркин, ихчам тилда ёзиш асосий талаблардан ҳисобланади.

Публицистик услубда газета тили алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки газета ва публицистика бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Шу билан бирга газета услуби публицистик услубнинг бир тармоғи ҳисобланади.

Публицистик услубнинг ўзига хос белгиларидан яна бири шундаки, унда баъзи грамматик воситалар, равишдош, сифатдош оборотлар феълнинг шарт майли шакллариининг алмашилиб ишлатилиши, риторик, мурожаат, ундов, бир составли гапларнинг қўлланиш даражаси бошқа вазифавий услубларга нисбатан устунроқ.

Публицистик услубнинг характерли белгиларидан бири нутқнинг кўпинча I шахс номидан ифодаланишидир.

Публицистик услуб морфологик ва синтактик хусусиятлари билан ҳам бошқа услублардан ажралиб туради.

Публицистик услубнинг синтактик хусусиятлари:

1. Сўроқ гаплар кўп ишлатилади;
2. Уюшиқ бўлакли гаплар кенг қўлланилади;
3. Ундов гаплар кўп ишлатилади;

4. Кириш бўлакли, кириш қурилмали гаплар кенг қўлланилади;

5. Шахси умумлашган гаплар кўп ишлатилади.

Бадиий услуб. Тил материалини қамраб олиш имкониятининг кенглиги, умумхалқ тилида мавжуд бўлган барча луғавий бирликларнинг ҳамда бошқа вазифавий услуб унсурларининг иштирок этавериши ва уларнинг муҳим бир вазифага - эстетик вазифани бажаришга хизмат қилишини бадиий нутқ услубининг учига хос хусусияти деб қараш керак бўлади.

Бадиий адабиёт тили адабий тил билан бирга умумхалқ тили бойликларини ҳам қамраб олади. Яъни, асарнинг жанр ва мавзу шлаби билан ёзувчининг индивидуал услубига боғлиқ ҳолда бадиий нутқдан умумхалқ тилидаги барча луғавий қатламлар иштирок этаверади. Масалан, адабий тилда диалектизмлар, жаргонлар, варваризмлардан, дағал сўзлардан, эскирган сўзлардан, оддий сўзлашув тили элементларидан фойдаланинг мақсадга мунофиқ бўлмагани ҳолда уларни бадиий нутқда ўрни билан қўллаш мумкин.

Бадиий адабиёт тилининг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, сўз санъаткорлари фақатгина умумхалқ тилида мавжуд бўлган сўз ва иборалардангина фойдаланиб қолмасдан, уларни қайта ишлаб, янги-янги маъноларда қўллайдилар, маъноларни кенгайтирадилар, бойитадилар.

Адабий тилнинг нутқий имкониятлари тўлалигича бадиий нутқ услубида намоён бўлади дейиш мумкин. Вазифавий услубларнинг ҳеч бирида бадиий нутқ услубидагичалик, тил унинг тузилиш жиҳатлари, луғат таркиби, яъни сўзнинг маъно (бойлиги ва ранг-баранглигини, тўғри ва кўчма маъноларини намоёиш қила олмайди, грамматик қурилиши, яъни гапларнинг барча типлари билан иштирок этолмайди. Бадиий нутқ доирасида тил воситалари маълум қонун-қоидаларга амал қилади, ана шу қонун-қоидалар уни бошқа услублардан чегаралашга фарқлашга имкон беради. Бадиий нутқ услубининг ўзига хос луғавий ва грамматик хусусиятлари мавжуд. Бадиий услубда сўз маъноларининг кенгайиши,

ўзгариши, кўп маъноли бўлиши ва ҳатто луғатларда қайд этилмаган маънолар касб этиши қонуният саналади.

Луғавий бирликлардан ташқари фразеологик бирликларнинг фаол ва кенг равишда ишлатилиши ҳам бадий нутқ услубининг асосий белгиларидандир.

Бадий услубнинг грамматик хусусиятларига назар ташласак, грамматик шаклнинг барча кўринишлари - шева ва тарихий вариантлари ҳам асарнинг мавзу талаби билан қўлланаверади. Бадий услуб синтактик хусусиятлари билан ҳам бошқа услублардан фарқланади. Бадий нутқ услубида дарак, сўроқ, буйруқ гаплар матн синтаксисининг ажралмас қисмини ташкил қилади. Ундов гаплар ҳам бадий нутқ услуби учун характерлидир. Улар китобхонга эстетик таъсир ўтказишда ёзувчи қўлида кучли қурол ҳисобланади.

Бадий нутқ услубида қўшма гапнинг барча турлари аралаш ишлатилаверади. Нутқ ҳам диологик, ҳам монологик бўлиши мумкин. Хулоса қилганимизда, тил воситаларининг вазифавий чегараланиши уларни нутқ жараёнида ҳам фарқлаш заруриятини келтириб чикаради. Демак, нутқда — ёзиш ва сўзлаш жараёнида масалага нутқ мавзуси ва хусусияти нуқтаи назаридан ёндошилиб, назифавий услубларнинг амал қилиш қонуниятлари ва талабларини эътиборга олиш лозим бўлади.

2.2. Нутқ турлари ва уларнинг фоностилистик классификацияси

Юқорида айтиб ўтганимиздек, тилнинг икки хил шакли мавжуд: оғзаки нутқ ва ёзма нутқ. Гарчи фонетиканинг асосий вазифаси оғзаки нутқни ўрганиш бўлса ҳам, ёзма нутқ ҳам эътиборсиз қолдирилмайди, чунки у кўпинча баланд овозда ўқилади, ёдланади. Бу эса сўзловчининг нутқини тайёрланишига ва олдиндан ёзиб олинишига боғлиқ.

Одатда ёзма нутқ ҳам бир неча стилларга ажратилади. Улар - бадий стил, публицистик стил, расмий ҳужжатлар стили ва аниқ лексик ва грамматик хусусиятга эга бўлган илмий стилдир. Оғзаки нутқ ва сўзлашув услуби кенг ўрганилган бўлса-да, оғзаки тил услублари ҳалигача яхлит аниқланмаган. Буни шунчаки сўзлашув ўзгариши ва расмий кўринишнинг ўзгариши деймиз.

Кишиларнинг нутқ хусусиятлари билан танишиш шуни кўрсатдики, ҳар бир она тилида сўзловчи инсон бир неч хил тил шаклларида фойдаланади. У уйда тилнинг маълум бир шаклидан, ҳамкасблари билан бошқа шаклидан, кўпчиликка мурожаат қилганда эса учинчи бир тил шаклидан фойдаланиши аниқланди. Оилада у эркин, ҳамкасблари билан бироз эркин, бироз эҳтиёткор, кўпчилик билан эса жуда эҳтиёткор мулоқот қилган.

Ушбу турларнинг ҳар бири лексик ва грамматик жиҳатдан фарқланади, лекин энг катта фарқ фонетик фарқдир. Баъзан бу фарқлар фақат фонетик жиҳатдан фарқланади, шунга қарамай улар маҳаллий сўзловчилар томонидан осонгина танилади. М:” “Do you know her? “ [duju: nou hə:] [dunoə] талаффуз қилинганда ёки яна “Come here “ [kʌmhiə] [k.mə] тарзида талаффуз қилинса, унинг норасмий нутққа тегишли эканлигини осонгина аниқлаш мумкин.

Нутқдаги фонетик ўзгаришларга сабаб бўладиган асосий омиллар қуйидагилар:

- а) нутқнинг мақсади (у кўрсатма бериш, таништириш, ишонтириш, ҳикоя қилиш, суҳбатлашиш бўлиши мумкин).
- б) ўз-ўзидан бўладиган нутқ ҳажми (тайёрланган нутқ, тайёрланмаган нутқ).
- с) Фикр алмаштиришнинг кўриниши, нутқ шаклидан фойдаланиш фақат тинглаш орқали ёки ҳам тинглаш, ҳам фикр алмашиши билан бўлиши мумкин (лекция, баҳс, мулоқот ва бошқалар).
- д) нутқнинг расмийлик даражасини аниқлайдиган ва муносабатни ифодалайдиган ижтимоий ва психологик факторлар (яқин дўстлар билан дўстона суҳбат, жанжал, расмий мулоқот ва бошқалар).

Бу тафсилотлар ёки факторлар экстралингвистик факторлар деб аталади. Талаффузнинг турларига экстралингвистик факторлар сабаб бўлади ва талаффуз стиллари ёки фонетик стиллар деб аталган аниқ хусусиятлар билан характерланади.

Талаффуз стиллари тушунчаси 18-асрда М.Ломоносов томонидан киритилган. Ўшандан буён у кўплаб тилшуносларни қизиқтирди. Гарчи талаффуз стилларидаги фарқ ҳаммага таниш бўлса-да, лекин уларнинг классификацияси борасида бир қарорга келинмаган.

Лингвистлардан биринчи бўлиб Л.В.Шчерба талаффуз стилларини ўрганди ва уларни иккига ажратди: адабий ва оғзаки стил.

1.Адабий стил-олдиндан ўйланган эҳтиёткор нутқ.

2.Оғзаки нутқ-оддий мулоқот талффузи - Александр Александрович(Сан Санич).

Л.В.Шчербанинг изоҳ беришича талаффуз хилма хил турларни ўз ичига олади ва унинг айтишича,уларни бир-биридан фарқлаш осон эмас. Кўпчилик рус фонетистлари (Р.Аванесов, Л.Буланин) талаффузни 3турга ажратишди:

а) тўлиқ стил ёки юқори стил(расмий гапирганда,бадий ўқишда ва баланд овозда кўпчиликка мурожаат қилганда фойдаланилади).

б) нейтрал стил (маъруза ўқиганда, радио эшиттиришда фойдаланилади)

с) оғзаки услуб (тез ва эҳтиёткор нутқда кўп фойдаланилади)

Инглиз фонетистлари эса талаффуз стилларини бир неча турларга ажратишган. Лекин классификация борасида бир қарорга келинмаган.

Д.Жоунз талаффуз стилларини 5 турга ажратган[88.366-371]:

- а) тез фамиляр стил
- б) секинроқ оғзаки стил
- с) мурожаат шакли бўлмиш табиий стил
- д) сахнада фойдаланиладиган стил
- э) кузлашда қўлланадиган стил.

Ж.Кенион 4 асосий стилга ажратган[90.211]:

- а) оғзаки фамиляр
- б) расмий оғзаки
- с) оммабоп сўзлашув стили
- д) оммабоп ўқиш услуби

Улар бу турларнинг орасидаги фарқни сўзловчининг ижтимоий ҳолатига, сўзловчининг ижтимоий аҳволига, у гапираётган одамга боғлиқ деб фараз қилишади. Уларнинг асосий қизиқишлари ҳозирги инглиз тилидаги умумий фонетик фарқларни аниқлашга қаратилган. Мисол учун сўзлашув инглиз тили (у баҳсларни, гаплашишни ўз ичига олади) ва телеинформацион (кўпинча профессионал актёрлар томонидан ёдланадиган ёзма инглиз тили).

Юқорида айтилган барча классификациялар фақатгина сон жиҳатдан фарқланмайди, балки асосий фарқ уларнинг турлича асосланганлигидир.

1. Эҳтиёткорликнинг даражасига (Шчерба ва Аванесов классификацияси).
2. Расмийлик даражасига (Ж,Кенион классификацияси).
3. Нутқнинг тезлигига (Д.Жоунз классификацияси).
4. Ижтимоий ҳолатга (Д.Кристал ва Д.Девий).

Фонетик ва нутқ услуби орасида аниқ (равшан) ўзара алоқа бор. Нутқ услублари, шунингдек, фонетик услублар тил функцияси томонидан аниқланади ёки сўзловчи турган ҳолат томонидан ва нутқ мақсадлари томонидан аниқланади. Ҳолатлар турли хил бўлиши (шахсий, оммавий, сўзловчи бирон нимани тушунтираётган, меҳмонларни қабул қилаётган ёки ҳаяжонланаётган бўлиши) мумкин.

Фонетик стиллар ва нутқ стиллари сони тенгми деган савол очик қолади. Баъзи фонетик изланишлар шуни кўрсатадики, лекция, баланд овозда ўқиш, интервью бериш, тасодифий мулоқот, расмий гаплашиш ва бошқа нутқ стиллари орасида аниқ фонетик фарқлар бор.

Нутқ шакллариининг бир неча синфларга ажратишга бўлган уринишлар уларнинг фонетик хусусиятлари ва бошқа лингвистик хусусиятларга боғлиқ эканлигини кўрсатди. Шунингдек, Д.Аберкромби уларни қуйидагиларга ажратади:

- а) баланд овозда ўқиш (радио нутқи ва ёдлашни ўз ичига олади).
- б) монолог (у лекция ва радио шарҳларни ўз ичига олади).
- с) мулоқот.

Аммо бу классификация ўзгармас эмас. Монолог ва мулоқот ўз-ўзидан бўладиган нутқ бўлганлиги сабабли бу классификация ўзини оқламайди. Улар фақат даражасига кўра фарқланади, холос. Аммо баланд овозда ўқиш бошқа турдаги нутқ.

Баъзи олимлар қуйидагиларга ажратишади:

- а) тайёргарликсиз нутқнинг фонетик стили (мулоқот, тайёргарликсиз айтиладиган монолог).
- б) тайёрланган нутқнинг фонетик стили (маъруза, нутқ).
- с) баланд овозда ўқиш фонетик стили.

Ўз ўрнида тайёргарликсиз нутқ стили ҳам қуйидагиларга бўлинади:

- а) расмий стиль,
- б) норасмий стиль ёки кундалик ҳаёт нутқи,

д) фамиляр, эҳтиётсиз нутқ стили.

Ушбу кичик гуруҳларнинг ҳар бири бир неча хил ўзгартирилган экстралингвистик факторларни ўз ичига олади. Бу фонетик стиллар классификацияси С.Гайдучик томонидан ишлаб чиқилган.

Фонетик стилларнинг тадқиқоти фонетикада янги йўналиш-фонолингвистиканинг пайдо бўлишига асос бўлди ва у одатда стиль ясовчи воситаларнинг ўхшашлиги, яъни турли талаффуз стилларинин ажратишда интуитив ҳолда бир-биридан ажратиш имконини ўша тилда сўзловчининг имконияти деб қаралади.

2.3.Нутқ ва унинг лингвокультурологик хусусиятлари

Ҳар бир шахс миллий анъана, тил, тарих ва адабиётни ўз ичига олган муайян миллий маданиятга тегишлидир. Давлатлар ва уларнинг халқлари ўртасидаги иқтисодий, маданий ва илмий соҳалардаги алоқалари, уларга тегишли бўлган тилнинг маданиятлараро алоқадорлигини ўрганишда нутқ ва тилнинг ўрни долзарб мавзулардан бири бўлиб келмоқда.

Э. Сепирнинг қайд этишича: “Тил - бу маданиятни илмий томондан ўрганишда етакчилик, бошловчилик қилиши билан муҳим аҳамиятга эгадир”. Лингвокултурология бу- тилшуносликда илмий изланишларнинг асосий йўналишларидан биридир. У тилни халқ феъл атвори билан ёки тилнинг менталитет билан боғлиқ бўлган ҳодисаларини, нутқий мулоқотни ташкил этишдаги миллий-маданий специфик қоидаларини ўрганади. Тил халқнинг тилда акс этган руҳиятини кўрсатиб беради.

Бу фан фалсафа, менталитет ва миллийлик характери билан ўзаро алоқадордир. У ўзида миллий-маданий муҳит ҳақидаги ва оғзаки нутқни ташкил қилувчи асосий омиллар ҳақидаги фикрлар мажмуини мужассамлантиради.

Лингвокултурологик изланишлари тилшуносликнинг “ички” ва “ташқи” антропологик ҳодисалари, тилнинг инсон билан боғлиқ тор доирадаги ҳодисаларини муҳокама қилиш, унинг фикрлаши, руҳий-амалий фаолиятини ҳисобга олган ҳолда замонавий тилшуносликнинг умумий тенденцияларига мос келади.

Ф. де Соссюрнинг ёзишича, “Тил –систем тузилишига эга бўлган систем характердаги ижтимоий ҳодисадир.”[68.211]. Ички тилшунослик тилнинг систем табиатини, унинг тузилишини ўрганади. Муайян тилни ўрганиш жараёнида, тилга унинг маданиятсиз ёндошиш мумкин эмас. Нутқий мулоқотни ўқитишда тил ва маданият бир бири билан қай даражада боғланганлигини аниқлаш, ва уни ўрганиш давомида уларнинг ўзаро алоқадорлигини кўрсата бериш жуда зарурдир.

Минтақавий география ва этнолингвистикадан фаркли ўлароқ, лингвокультурология “Яхлит назарий- тавсифий объект сифатида маданий кадриятларнинг фаолияти тизимида, тилда акс этувчи лингвокультурологик муҳитдаги турли тилларнинг тилшунослик назариясига муносабати асосида” ўзини намоён этади (Э. Сепир- Б. Уорф гипотезаси).

Биз тил орқали дунёни англаймиз, англаш эса- забонсиз реаллик билан забонийликни боғловчи бир йўлдир. Забоний воқеа-ҳодиса ортида муайян жамиятнинг маданияти туради. Дунёнинг ижтимоий ҳам маданий тасвири қиёфасида дунёнинг забоний қўриниши акс этади. Оғзаки нутқдан унумли фойдаланиш учун тил ортида ётган нутқий далиллар мажмуини билиш зарур. “Тил ва маданият” муаммосига қизиқишнинг ошиб бориши билан терминалогик (атамалар) инвентаризация доирасига кириб борувчи параметрларни, илмий-тадқиқот манбаларини тушуниш услубларини қидириб топишга эҳтиёж сезилади.

“Тил ва маданият” тушунчаси инсоният ҳақидаги барча фан манфаатларини бирлаштирувчи, шахс билан тил ўрганувчи инсон ўртасидаги барча интизом қоидаларини бузувчи, маълум бир миллатни уни тилини билмасдан ўрганиш мумкин эмаслигини исботловчи транзит ғоялардир.

Тил миллий маданиятнинг мавжудлиги ва ички ҳолатини тасвирлашда асосий ўрин тутди. Э. Сепирнинг ёзишича: “Муайян жамиятнинг нима ҳақда ўйлаши ва қандай ҳаракатни амалга оширишидан бутун бир жамият маданиятини англаш мумкин”. Инсоннинг нутқи-унинг фикрлари, ва тафаккури маҳсулидир. Инсонни ички олами ва тафаккурини ифодалашда тилни ва нутқни ўрни беқиёсдир.

Маданиятнинг асосий мезони - шахснинг маънавий дунёсини бойитиб

боришдир. Инсон бир нечта тилларни ўрганиб, моддий ва маънавий маданиятга ўзига хос ҳолатда ёндашиб, “дунё маданияти” оламига

шўнғийди.

Маданиятнинг миллийлик руҳи турфа халқларнинг тили ва маданиятининг ўзаро таъсир доирасини, уларнинг ўзаро яхлит “фундаментал асосларини” дунё маданиятида бутун инсоният ютуқлари билан бойитишни назарда тутди. Маданият- халқлар ҳамжихатлигининг миллийлиги ва умумийлиги каби яхлит ҳисобланади.

“Тил ва маданият” нинг ўзаро муносабати В. фон Гумболтнинг асарларида нисбатан тўлиқроқ акс эттирилган. Хусусан, Гумболдтнинг ёзишича: “ Тил атрофидаги предметларни қандай тасвирласа, инсон шунга асосан яшаб келади. Ҳар бир тил муайян халққа тегишли бўлган воқеа-ҳодисаларни тасвирлаб беради. Шунингдек, айнан бир муҳитдан бошқа бир муҳит билан муносабатга киришиш даражасини ифода этади”.

Турли тилларда намоён бўлган турли маданиятларнинг таққосланган интерференцияси муайян миллий маданиятнинг тушунчаси, миллатнинг руҳий ижодкорлиги томонидан ташкил этилган дунё тасвирини В. фон Гумболднинг издошлари (Янгигумболдчилар) дунёнинг тил оралиғи сифатида тасвирлайдилар.

Б. Л Уорф ўзининг “Нутқдаги фикрлаш ва ҳулқ-атвор муносабати” (“Отношение норм поведения и мышления к языку”) асарида тил ва маданият босқичма босқич бир-бирига таъсир этиб, биргаликда ривожланиб борганлигини кўрсатиб ўтган. Аммо бу иттифоқда тил табиатининг ўзи унинг ривожланишини ушлаб турган факторлардан биридир. Тил бу кўпчиликнинг фикрлашини тасвирлаб, барча ўзгариш ва янги қарашларга таъсир этади. Аммо бу ўзгаришларни амалга ошираётганларнинг онгида лаҳзада содир бўлиши сабабли жуда суст ва секин таъсир этади. Лингвистика маданиятларни солиштиришни бутунлай зарурий вазифага айлантириб қўйди. Агар биз тилни ўргатар эканмиз у ҳолда биз матн ичидан айрим умумийконсептуал маънони тушунишга йўналтирадиган белгиларни

топиш, муайян маданий даражада шарт қилиб қўйилган ёхуд мажбурий бўлган тил бирликларининг маъносини излашни ўргатишимиз зарур. “Тил ва маданият” муаммоси соҳасида қарама қаршилик услуби ишлаб чиқилмоқда, маданиятнинг тилда намоён бўлган далиллар орқали тасвирлаш ва тилдаги айни далилларни интерпретация қилиш “чуқур, тилга хос бўлмаган, маданий компонентдир”. Лингвистик услубни бошқа турли фан услублари билан таҳлил қилиш, уларни излаш, аниқлаш, когнитив йўналишни когнитологияга, яъни тил контекстини маданиятшунослик фани тўғрилаши, сайқаллаши кераклиги ва маданий характердаги янада чуқурроқ маълумотларга таяниши, тилга хос бўлмаган тушунчани когнитив маънода намоён бўлишига олиб келади.

Тил инсоният маданиятини ифодаловчи восита сифатида дунёнинг бир биридан фарқ қилмайдиган халқларида акс этган муайян маданий концептуал тушунчаларни аниқлашга ва мазмун моҳиятини очиб беришга ёрдам беради.

Маданий антропология - америкача ёндошув, немисчаси бу-герменефтика, французчаси эса- эпистемология бўлиб, ушбу фанлар бирдек мавжуд бўлиб, алоҳида бир миллатни шаклланишини намоён этади. Муайян матн орқали концептуал асосни амалда кўрсатиб бера олиш жуда муҳимдир. Чунки, назария бу бошқа, жадал фаолият ва изланиш олиб бориш технологияси эса бошқа бошқа масаладир. Маданият бу анъаналар, ҳаёт тарзи, дунё тасвири, менталитет ва миллийлик руҳи каби қарашлар мажмуидир. Маданият иштирокисиз ҳеч қандай сўз бўлиши мумкин эмас.

. В.Воробёвнинг фикрича лингвокултурология илмий соҳа сифатида куйидаги муҳим белгилар билан ҳарактерланади:

-бу маданиятни ва филологияни ўрганувчи фанлар ўртасидаги таҳлил вазифасини бажарувчи илмий фандир.

-Лингвокултурологиянинг асосий объекти тил ва маданиятнинг ўзаро

алоқа ва ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти ва интерпретацияни ўрганишдаги асосий тизимдаги яхлитлигидир.

- Лингвокултурология фани- жамиятнинг ҳаёт тарзидаги миллийлик шакли, тил коммуникациялари ва уларнинг маданий қадриятларини акс эттирувчи “Оламнинг лисоний тасвиридир”.

-Лингвокултурология замонавий жамият ҳаётини янги тафаккурга, маданий қадриятларнинг янги тизимига ёъналтирилади, мамлакатнинг турли ҳудудларидаги маданий ҳаёт ҳақидаги маълумотларни объектив интерпретация далиллари асосида кўриб чиқади.

-Лингвокултурология тизимидан халқ маданиятининг мукаммал, объектив интерпретацияси, уларнинг тили, шеваларидаги ҳамкорликни талаб этилади.

III боб. Фоностилистик жараёнларнинг асосий турлари ва хусусиятлари

3.1. Фонетик услублар таснифи ва уларнинг классификацияси

Фонетик таснифлар орасидан биз қуйидаги икки фонетик таснифга эътибор қаратдик. Улардан бири Т.Т Врабелнинг фонетик таснифидир[92]. У бешта фонетик услубларни фарқлайди:

- 1) расмий (solemn);
- 2) илмий-бизнес (scientific-business);
- 3) расмий-бизнес (official business);
- 4) кундалик (everyday);
- 5) оилавий (familiar).

Юқорида таъкидланган фонетик услубларнинг барчаси тилнинг амалий услублари билан ўзаро боғланган бўлиб, уларнинг фойдаланиш кўламлари бир-биридан фарқ қилади. Фонетик услублар таснифининг бошқа бир тури:

- 1) норасмий одатий (informal ordinary);
- 2) расмий-нейтрал (formal neutral);
- 3) оммавий-расмий (formal official);
- 4) норасмий-оилавий (informal familiar);
- 5) бадий(ораторлик) (declamatory).

Бундай бўлиниш сўзловчи ва мулоқотда қатнашувчи нутқининг расмий ёки норасмийлик даражасига асосланади.

Машхур рус фонетистларидан бири М.А.Соколованинг фонетик услублар таснифига ёндашуви бироз фарқлироқ[70.]. У таҳлилнинг сегментал ва супрасегментал даражасини фарқлайди. Чунки фонетик

услугларнинг баъзилари (масалан: гапнинг мақсадига кўра) супрасегментал даражанинг натижаси, бошқалари эса (масалан: вазиятнинг шаклига кўра) сегментал даража билан боғлиқдир.

Умумий қилиб айтганда, мулоқотнинг мақсади ва мулоқотда намоён бўладиган барча йўналишларга кўра бешта нутқ услублари бор ва улар қуйидагилар:

1. Информацион услуб (informational style)
2. Академик(илмий)услуб (academic (scientific) style)
3. Публицистик (ораторлик) услуб (publicistic (oratorical) style)
4. Бадиий услуб (declamatory (artistic) style)
5. Ўзаро мулоқот(фамилъяр) услуби (conversational (familiar) style)

Лекин мулоқот мақсадига кўра нутқ оҳанглариининг фарқлари етарлича аниқланган эмас. Юқорида таъкидлаганимиздек, турли экстралингвистик вазиятларда нутқ оҳангига таъсир кўрсатувчи бошқа турли омиллар ҳам бор. Шунингдек, ҳар қандай услуб соф ҳолатда айрим вазиятларда истисно билан ишлатилади. Ҳар бир яратилган матн турли услубларнинг фонетик хусусиятларини ўзида мужассам этади. Шундай ҳолатларда биз фонетик услубларнинг аралашувини ҳам билишимиз даркор. Инглиз тили нутқининг кўплаб вариантлари таҳлили шуни кўрсатадики, нутқий услубларда кетма-кетликлар кузатилади. Масалан, маърузачи ўз нутқида ҳам илмий, ҳам оммавий услубдан фойдаланиши мумкин. Нутқ услубларининг қарама-қаршилиги, қиёсланиши нутқ оҳангининг ифодаланиш ҳамда қабул қилиш жараёнида намоён бўлади. Улар қуйидагилар:

- 1) тилнинг шакллари
- 2) мулоқот шакллари

- 3) нутқнинг тайёргарлик даражаси
- 4) мулоқот жараёнида иштирокчилар сони
- 5) иштирокчиларнинг ўзаро муносабати хусусиятлари

Қуйида биз услубларнинг(стилларнинг) ўзаро фарқлари ҳақида тўхталамиз.

Информацион услуб

Информацион услуб нейтрал интонацион турларнинг иштатилиши билан характерланади. У сўзловчи томонидан ҳеч қандай ҳиссий, эмоционал туйғулар ифодаламай мулоқотга киришишда намоён бўлади. Бу нутқий услуб радио, телевидение бошловчилари томонидан об-ҳаво, янгиликларни эълон қилишда, турли расмий жараёнларда ишлатилади. Информацион услуб стилистик нейтрал ҳисобланади. Бу услубдан фойдаланаётган сўзловчи ҳар қандай гапни: хабар ёки сўрок, таклиф ёки буйруқ, мустақил ёки номустақил бўлишидан қатъий назар ўзига ҳос тарзда тингловчига тушунарли қилиб етказиб беради. Сўзловчи тингловчига нутқнинг асосий маъносини тушунишга ҳалақит берадиган турли усуллардан: ҳиссий, эмоционал гаплардан қочиши керак. Шундай экан, сўзловчининг нутқи ҳеч қандай ҳиссий бўёқдорлик хусусиятига эга бўлмаслиги даркор. Информацион услубнинг яна бир характерли хусусияти меъёрий нутқий тезлик ва тўғри ритмдир.

Камдан-кам ҳолатларда товуш тонининг юқорига кўтарилиши тоннинг пастлашиши ўрнига ишлатилади. Асосан, маълумотни муҳим қисмини баён қилишда овоз тонининг кўтарилиши, асосий маънога берилган қўшимча маълумотларда эса овоз тонининг пастлашиши кузатилади. Қуйидаги парчада инглиз радиосухандонининг интонацияси мисол тариқасида келтирилиши мумкин:

ANNOUNCER: ... \Early Yesterday ,MORNING | the engine 'depot at ,ROUEN | was the target of 'SABOTEURS. II The heavy-MACHINE shops |

were totally GUTTED | and eleven 'LOCOMOTIVES | completely DESTROYED.

A: Do you 'think you could 'change my ,NOTE for me, please?

B: * How shall I GIVE it to you?

A: Notes and 'large SILVER, please.

A: Was there 'anything ,ELSE?

B: Yes, \ could you 'tell me my /BALANCE?

Информацион услубда нутқий интонация ҳеч қачон сўзлар ва сўзлар тузилишида ифодаланган лексик ҳамда грамматик маънолар билан қиёсланмайди. Ички паузалар маъно жиҳатдан баён бўлади чунки нутқий оҳанг маъно жиҳатдан боғланган сўзлардан ташлик топган. Бундан ташқари шуни таъкидлаш жоизки, нутқий оҳанг (интонация) ифодаланишига кўра қисқа, тўхталиш (пауза)ларнинг давомийлигига кўра ўртача ва узун бўлиши мумкин. Қисқа тўхталиш(пауза) баъзи вазиятларда учрайди.

Илмий (академик) услуб

Илмий услубда интеллектуал ва ҳиссий оҳангларнинг мос ва ўхшашликларидан фойдаланилади. Сўзловчининг мақсади фақатгина гипотеза(тушунча)ни исботлашдан эмас, балки янги ғоялар, турли воқеа ва ҳодисаларнинг боғлиқликларини ёритишдан ҳам иборатдир. Қолаверса, тингловчининг эътиборини ҳам маълумот маъносига йўналтириш лозим. Бу услубда фикр аниқ ва ҳолисона ифодалансада, у ҳиссий бўёқдорлик хусусиятларидан ҳоли эмас. Илмий услуб тез-тез университет маърузачилари, мактаб ўқитувчилари ёки расмий ва норасмий мунозараларда олимлар томонидан фойдаланилади. Эътибор илмий масалага доир илмий асарнинг бир қисмини баланд овозда ўқиш

давомидаги нутқ турига ва нутқнинг шакли, тайёрланганлик даражаси, оммавийлик ва расмий даврага қаратилади.

Бунда маърузачининг мақсадлари қуйидагилардан иборат бўлади:

- а) у маъруза мавзусини ўз тингловчилари олдига кўндаланг қўйиши керак;
- б) у тингловчилари эътиборини ўзига жалб қилиши ва маънога йўналтириши даркор;
- в) у ўз тингловчилари билан алоқа ўрнатиши ва маъруза давомида ана шу алоқани сақлаши, давом эттириши керак.

Бу мақсадларга эришиш учун у (сўзловчи) оҳанг маъноларини тўғри танлай билиши лозим. Энг оддий ва самарали усул бу паст товуш тони билан бошланиш ва аста-секин уни кўтариб боришдир.

Аста-секинлик билан кўтарилиш пасайиш оҳангига қараганда нутқий оҳангнинг залворли бўлишига ва кўпроқ ишонтириш кучига эга. Баъзан бош оҳанг аста-секин оҳанг кўтарилиш жараёнида камроқ урғу берилган тарзда намоён бўлади. Бу хусусиятлар маърузачига туркумлаш, мулойимлик, ишонччилик, мулоҳазаликда кўмаклашади.

Тон атамаси, таъкидланганидек, оддий ва мураккаб тонлар орқали ифодаланади. Тоннинг юқорилаб пастлаши ва пастлаб юқорилаши энг кўп тарқалгандир. Улар мантиқий урғу ва зидлашга урғу беришда кенг қўламда фойдаланилади.

Гап тезлигидаги интонациянинг хилма-хиллиги ва тафовутлар нутқ оқимининг турли қисмларига бириккан муҳимлик даражасида билинади. Унча муҳим бўлмаган қисмлари одатдагидан тезроқ талаффуз қилинса, муҳимроқ бўлган қисмлари эса секинлик билан характерланади. Бундан ташқари сўзловчи чўзиқлик билан фарқлантиришда ритмик қолипдан

фойдаланади. Пасайган ёки кўтарилган овоз одатдаги нормал овоздан кўра тингловчига бошқачароқ қабул қилиш имконини беради.

Гапнинг ички боғламалари ҳар доим ҳам кутилгандай бўлмайди. Сўзловчининг баъзи тўхталишлари сўзловчининг иккиланаётганини, маълумотни унутганлигини ёки ноаниқликни билдириши мумкин. Энг кўп тарқалган иккиланиш ҳодисаларидан сўзларнинг такрорланиши, [э:]унли товуши ёки [м] каби ундош товушлари билан ифодаланган тўхталишлар ҳисобланади. Бу таъсирларни мўлжаллаб ишлатилиши маърузачини расмий ва норасмий мувозанатни сақлаш ва ўз тингловчилари билан яқинроқ алоқа қилиш имконини яратади, бу эса қандай бўлмасин марузани ташкиллаштиришга жалб қилади.

Бунга қўшимча кутилмаган сокин тўхталиш тингловчининг эътиборини тортади ва гапирувчининг сўзларини етказиш мақсадини амалга ошириш имконини беради. Илмий матнни овоз чиқариб ўқиш ҳолатидаги энг кўп тарқалган шакл бу олдиға ҳаракатланишдир. Вақти вақти билан юқорилайдиган комбинация гап ёки интонация гуруҳини таъсирчанроқ қилиш воситасини бажаради. Бунда юқорида тасвирланган йўналишнинг бирор тури билан пасайиш ёки кўтарилиш изчиллигидан фойдаланишни таъкидлаш муҳимдир.

Тугал интонация гуруҳи асосан паст ёки юқори пасайиш билан талаффуз қилинади. Тугал бўлмаган интонация гуруҳи кўпроқ хилма-хиллик эҳтимоллигини кўрсатади. Оддий талаффузга қўшимча тарзда қуйидаги комбинациялар қўлланилади: пасаювчи-кўтарилувчи ва кўтарилувчи-пасаювчи. Лекин пасаювчи тон биринчи туради. Паст кўтарилувчи ёки ўрта босқич унчалик одатий ҳисобланмайди. Шунини ҳам таъкидлаш жоизки, тугал бўлмаган гуруҳларда кўп ҳолатларда пасаювчи тон энг паст даражага боғланмайди.

Бирикма оҳанглар нутқдаги энг муҳим бирликларни юзага чиқариш орқали ёзма илмий матнни оғзаки ифоаланишини таъсирлироқ қилади.

Ундан ташқари, улар матннинг турли бўлақлар орасидаги кучли интонационал боғланишни сақлайди. Интонациянинг ритмик таркиби қуйидаги доимийликларни кўрсатади: нутқ тезлиги нормадан тезланишга ўзгариб туради, лекин ўта тез эмас. Интонация гуруҳи орасидаги қанча узун сўз бўлса шунча урғули бўғинлар нутқ тезланиш миқдорини ташкил қилади. Бу яна маълумотнинг асосий жиҳатлари бўлган атамаларда ҳам кўринади. Муаммонинг асосий бир жиҳати у нутқнинг секинлашишига олиб келади. Чунки асосий мазмун одатий сўзлардан кучлироқ талаффуз қилинаётган сўзлар билан озроқ қиёсаланади.

Илмий матнни ўқиш фарқли ритмик намуна билан характерланади. Бу ритм ва нутқ тезлиги алоқаси орқали олдиндан аниқланади. Умуман олганда секин тезлик бир хил ритмни келтириб чиқаради тезлашган ритмда эса камроқ кўзга ташланади, тўхталишлар асосан қисқа уларнинг жойлашиши ва ички чегара ҳосил қилишини ҳар доим семантик ва синтактик жиҳатдан олдиндан билса бўлади. Иккиланишдаги тўхталишлар бундан мустасно.

Бадий услуб

Бадий услубда интонациянинг эмоционал ўрни ортади, бу орқали интеллектуал, ихтиёрий ва эмоционал мақсадларда фойдаланилган интонацион бирликлар тенг тақсимга эга бўлади. Гапирувчининг мақсади тингловчи миёсида тўсатдан пайдо бўладиган, унинг хоҳиши ва ҳиссиётини уйғотишдан иборатдир. Бадий услуб махсус тайёргарлик орқали қўлга киритилади ва мисол учун сахнада, синф билан ишлаганда, кўпчиликка мурожаат қилинганда ва бирор ҳикояни баланд овозда ўқилганда фойдаланилади. Ораторлик атамаси кўплаб лингвистик фаолиятларда қўлланилади. Биз

буларнинг барчасига тўхталиб ўтмаймиз, балки, ёзма адабий матнни оғзаки ифодалашнинг иккита турини кўриб чиқамиз, яъни: тавсифловчи матнни овоз чиқариб ўқиш(авторнинг нутқи)ва авторнинг асл суҳбатдаги нутқ(шахснутқи).

Тасвирловчи матнни ўқиш оҳангги илмий матнни ўқиш оҳангги билан кўплаб умумий хусусиятларга эга. Иккала услубда ҳам бир хил катъий интонация воситасидан фойдаланилади. Лекин уларнинг кетма-кетлиги ҳар хил бўлади. Бироқ гетерогенегик кўтарилишнинг кетма-кетлиги илмий матнларни ўқиганда кўпроқ учраши мумкин. Шуниси қизиқарлики, тез кўтарилиш изоҳли матнларда учрамайди, бу фақат илмий матнга хос. Тугал интонацион гуруҳида ядро тон умуман олганда пасаяди, камдан-кам холларда юқорига кўтарилади. Бунинг сабаби илмий ва тавсифловчи матнда ҳам дарак гап ифодаланади ва пасаяувчи оҳангни тақозо этади. Тугал бўлмаган интонация гуруҳидаги асосий ядро оҳанглар паст пасаяувчи, юқори пасаяувчи ва пасаяувчи-кўтарилувчилардир. Жарангдорлик оддий ифодаланган матнларга хос, мураккаб жарангдорлик эса кўпроқ илмий матнларга хосдир. Тавсифловчи матнни ўқишдаги нутқ тезлиги бир мунча секин ва натижада ритмда белгили хилма-хилликлар йўқ. Тўхталишлар узунлиги турлича бўлиши мумкин, аммо илмий матнни ўқишдаги фарқ каби узун тўхталишлар одатийдир. Драма, роман ёки ҳикоядаги образлар нутқини акс эттирувчи диалогик матнни баланд овозда ўқиш, шуни таъкидлаш жоизки, муаллиф нутқи (монолог)ни акс эттирувчи тасвирловчи матндаги интонация тарзидан фарқ қилади.

Диалогик матнни ўқишдаги етарли интонация фаол суҳбатни эсда қоларли қилади, аммо улар ўртасида бирга бир алоқа йўқ. Бу тирик инсоннинг табиий нутқи (табиий нутқ)да эшитиладиган интонацияси каби оддий ва соф эмасдир. Диалог матнида ишлатилишдан олдин фаол суҳбат интонацияси қандайдир қайта шаклга айлантирилади, айтиш мумкинки, образларнинг нутқини акс эттирувчи интонация доимо ясалади. Сўзлашув

интонациясининг услубияти фақатгина фаол суҳбатда эшитиладиган кўпгина ажойиб элементларни назарда тутди. Масалан, актёр сахнада ролга кириши мумкин бўлган “Ирланд акценти” одатда услубиятдир.

Публицистик услуб

Публицистик стиль сўзлашувчи интонациясида буйруқ оҳангининг устунлиги ва эмоционал оҳангнинг сустилиги билан характерланади. Ушбу услубнинг асосий мақсади тингловчига ўз таъсирини ўтказиш, уни сўзлашувчи томонидан айтилаётган информация тўғри эканлигига ишонтириш ва нутқда берилган фикрни тўла қабул қилишга қаратилган. Бундай вазифа нафақат мантикий аргументлар билан, балки уни кўндиришда эмоционаллик орқали ҳам таъсир кўрсатишдир. Бундай ёндашувда публицистик стиль бир томондан илмий стилга ўхшаб кетса, иккинчи томондан ораторлик услубини ҳам ўз ичига олади. Одатда публицистик стиль сиёсатдонлар, радио ва телевидение комментаторлари, пресс-конференция ва интервью берувчилар мажлисларда ва суд мажлисларида ишлатилади.

“Публицистик стиль” термини кенг қамровли бўлиб, у гапирувчининг тутган мавқеи, нуткий шароит ва мақсадига асосланиб турли вариантларга эгадир. Ҳар қандай оммага қаратилган нутқ сўзлашувчига жуда аҳамиятли чеклашларни қўйди. Одатда, бу инглиз тилининг ёзма варианты сифатида кўринишга эга. Бундай нутқдан фойдаланаётган гапирувчининг муваффақияти, кўпинча, интонация ва овоз тембри турларидан самарали фойдаланишга боғлиқ. Ушбу асосий мақсадни амалга ошириш учун сўзлашувчи тингловчига аниқ белгиланган фикрлар мажмуини маълум интонацион бирликлар орқали етказишга ҳаракат қилади. Одатда, ушбу стилни амалга ошириш учун қуйидаги инглиз тилидаги асосий интонацион намуналар ишлатилади:

(LowPre-Head +) (Falling Head +) High Fall (+ Tail)
 (Low Pre-Head +) (Falling Head +) Low Rise (+ Tail)
 (Low Pre-Head) (Falling Head +) Fall-Rise (+ Tail)
 (Low Pre-Head +) (Stepping Head +) Low Fall (+ Tail)
 (Low Pre-Head +) (Stepping Head +) Low Rise (+ Tail)
 (Low Pre-Head +) (Stepping Head +) High Fall (+ Tail)
 (Low Pre-Head +) (High or Medium Level Head +) Low Fall(+ Tail)
 (Low Pre-Head +) (High or Medium Level Head +) Low Rise(+ Tail)
 (Low Pre-Head+) (High or Medium Level Head +) High Fall (+Tail)
 (Low Pre-Head +) (High or Medium Level Head +) High Fall +Rise (+Tail)
 (Low Pre-Head +) (High or Medium Level Head +) Mid-Level(+ Tail)

Ушбу услубда нутқнинг тезлиги унинг расмийлик даражасига боғлиқ бўлиб, одатда, расмий нутқ бироз сустроқ бўлиб, унинг аҳамиятсизроқ қисмлари нисбатан тезроқ талаффуз қилинади. Нутқий муносабатда ритмнинг турлари кўп эмас, паузалар ва фразалар ўртасидаги боғланиш уларнинг семантикасига боғлиқдир. Одатда, интонацион группалар қисқа бўлиб, унинг натижасида паузалар кўпайади ва бу паузалар қисқа ва чўзиқ бўлиши мумкин. Иккиланиш паузалари одатда ишлатилмасада, баъзида қисқа иккиланишни англатувчи паузалар иштирок этади. Шу нарса эътиборга моликки, сиёсатдонлар нутқида унинг кульминацияси риторик пауза орқали максимум самарага эришишга ҳаракат қилади. Бундан ташқари, баъзида нутқда гап урғуси орқали ҳам ифодаланади. Бу жанр ахборот воситалари бўлмиш радио, телевидение, газета ва журналларда фаол қўлланадиган оммабоп жанр бўлиб, кўпинча журналистлар шу жанрда ижод қиладилар. Сиёсий, илмий ҳаёт жараёни, янгиликлар шу жанрда ёзилган матнларда ўз ифодасини топади.

Ўзаро мулоқот(фамильяр) услуби

Ушбу услуб сўзлашувчиларнинг кундалик ўзаро мулоқотида учрайдиган усул бўлиб, у одатда оила аъзолари ўртасида, ёки яқин дўстлар ҳамда яқин танишлар ўртасида ишлатиладиган нутқ туридир. Бундай мулоқот давомида интонациянинг барча турлари бир-бири билан шиддатли алмашинуви кузатилади, интонация бошқа экстралингвистик воситалар катори (имо-ишора, гавда, қўл ҳаракатлари) турли кўринишларда иштирок этади. Бундан ташқари интонациянинг тўсатдан бўлиниши, узун-қисқа паузалар, баъзи бир унли ва ундош товушларнинг чўзиб айтилиши ушбу услуб учун характерли хусусиятлардан биридир.

Мисол учун:

MARY: ...I can live like other people, make my own decisions, decide for myself what I should or shouldn't do!

MACFEE: Aye.

MARY (ecstatically): Oh its ,WONDERFUL, , MARVELLOUS, ,

'HEAVENLY, , DE ---- LIGHTFLJL!

(P. Ableman. "Blue Comedy")

Эркин мулоқот жимликни тез-тез қайталаниши билан характерланиб осонгина инсонни ўзига тортишни талаб қилаётгани билан фарқланади. Паузалар қисқа бўлиб воқеа-ҳодисалар кўп бўлганда интонация гуруҳлари ва сўзлар ҳеч қандай пауза орқали ажратилмайди, оҳангдаги фарқлар уларнинг чегаралардаги кўрсатмаларидир.

Нутқдаги бу усул тезлик ва ритмни қатъий намунасининг йўқлиги билан ҳам характерланади. Умуман олганда фикр билдиришнинг тезлиги тамоман юқори бўлиб, бироқ бу ерда мулоқотнинг тезлиги мунтазам

бўлиши учун шартномавий босим бўлмайди, яъни ҳар доим тезда фикр айтиш шарт эмас. Бу сўзловчининг равон нутқидаги юқори даражаси сўзланаётган мавзуга муносабати ва унинг мулоқотга кириша олиш тажрибаси ва шу кабиларга ҳам боғлиқ. Эркин, беихтиёрий мулоқотнинг яна бир ўта муҳим ажралиб турадиган хусусияти – камдан-кам учрайдиган иккиланишнинг тўла-тўқис намоён бўлишидир. Воқеа-ҳодисаларнинг 8 хил тури қуйидаги категорияларга қараб бўлинади:

- a) Иккиланиб тўхташ, тугалланмаган, тугалланган ва аралашган вариантлар;
- b) Иккиланиб, сўзни чўзиб талаффуз этишлар, товушлар, бўғинлар ва сўзларнинг узайтирилиши;
- c) Сўзлар ва бўғинларнинг такрорланиши;
- d) Сўзларга юзаки оғиз жуфтлаш, ўзини тўғрилашга ёки тузатишга амал қилиш;
- e) Сўзловчи хоҳлаб айтишга тўғри келаётган гаплар ёки конструкцияларни қайта- қайта қўллаш;
- f) Тугалланмаган оҳанг гуруҳлари, овознинг баландлигини пасайтириш орқали тез-тез жўр бўлиш;
- g) **well, and, you see, you know, in fact** каби тўлдирувчиларни қўллаш;
- h) Тасодифий қўлланувчи фонетик жиҳатдан ғалати бўлган нафас тутилишлари, овознинг титрашлари, портлашлар ва бошқалар.

Камдан-кам учрайдиган иккиланиш, юз ифодалари, имо-ишоралар ва шу каби бошланғич моҳият мулоқотнинг макбул бўлишида аниқланади. Мукаммал равонлик нотўғри натижа кўрсатишга олиб келади. Бу каби хусусиятлар кўпинча ёзма мулоқотларда, яъни романларда ва драматик диалогларда тушириб қолдирилади. Мулоқотнинг фонетик жиҳатларини символик товушлар, эътиборни тортадиган ясама томоқ қиришлар, киноя

сифатида йўталишлар, хириллашлар ўз ичига олиб, мулоқот жараёнида бошқаларнинг эътиборини тортиб ғашга тегиши мумкин.

Лингвистиканинг махсус тури сифатида мулоқотнинг беихтиёр фаолиятлари мазмун-моҳиятнинг танлаб олинмаганлиги ва тушунарли тузилган режаларнинг етишмаслиги орқали ҳам характерланади. Бу натижалар хато-камчиликларнинг юқори мутаносиблигида, иккиланиш хусусиятларини барча турларини ўз ичига олганда, тушунарли пичингларда кўплаб фикрларнинг тугатилмай чала қолганида ҳам кўзга ташланади. Мулоқотнинг камчиликлари воқеа-ҳодисалар ҳақидаги маълумотлар қайта такрорланиши ва тингловчининг саволига жавоб доим бир хилда бўлиши орқали ифодаланади.

Қўшимча тарзда диалогнинг бу турини ўқишда у хилма хилликнинг ўзига хослиги ҳақида муҳим маълумот беради, таҳлилнинг даражаларини фикрда кўрсатиб беради. Грамматик даражада норасмий суҳбат куйидаги хусусиятни намоиш қилади. Гап унумлиги бирмунча қисқа ва тузулиши асосан оддий бўлади. Ҳар қандай ҳолатда гапларнинг грамматик делиминацияси айниқса гап ичидаги паузада ва боғланмаган координацияларнинг йўқлиги тез-тез такрорланиб туриши сабабли айрим қийинчиликларни ифодалайди. Шунингдек сўзларнинг ифодаланиш атамаси бу ерда маъқул бўлади. Нутқнинг чўзилиши тасаввурни нотикнинг ўзгартириши орқали олдин ва кетма-кет содир бўлади. Шу тахлитда суҳбат гапларни бир мунча аниқ тушунулишига қараганда гапларнинг тузулиши уйғунлаштирилганда кўпроқ тараққий қилади. Норасмий суҳбатда сўз бойлиги етарли кўринишда бўлиши керак. Сўзлар тузулишида жуда оддий бўлиши атамалар мослашиши ва расмий фразеологиядан фойдаланганда уларнинг олди олинishi ва тасири одатда иккиланишдан фойда олиш орқали нотик томонидан аҳамиятсиз қилиб кўрсатилади. Сўз тўпламида аниқлик муҳим эмас, бирор лексик birlik от вазифасини бажарувчи,

наrsa, киши; Мен нима деганимни биласиз сиз буни қандай атайсиз каби сўзлар орқали ўрин эгаллайди. Аммо паузалар иккиланиш билан тўлдирилганда қисми ва иккиланиш ҳодисаси бошқа бирор жойдагига қараганда бу ерда баландроқ бўлади.

3.2. Комбинатор-позицион фоностилистик ўзгаришлар турлари

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, нутқ товушлари маълум бир катъий тартибда бир-бири билан бирикиб морфема ва сўзларни ташкил қилади. Ушбу жараёнда ёндош товушлар бир-бирига доимий равишда таъсир кўрсатиши маълумдир. Бунинг натижасида нутқ товушлари ўз хусусиятларини ўзгартирадилар. Нутқнинг ташкил этилишида иштирок этувчи бир томондан кўшни товушларнинг таъсирига учраса, иккинчи томондан нутқнинг услубига боғлиқ эканлигини юқорида кузатдик. Ушбу жараёнда ҳар икки гуруҳ иштирокчилари: унлилар ва ундошлар иштирок этади. Бундай ўзгаришлар унлилар билан юз берса, улар позицион ўзгаришлар деб аталади ва бундай ўзгаришлар ундошлар билан юз берса, улар комбинатор ўзгаришлар деб аталади.

Позицион ўзгаришларга редукция ва сингармонизм ходисаси кирса, инглиз тилидаги комбинатор ўзгаришларга унда кўп учрайдиган ассимиляция, диссимиляция, аспирация, аккомодация, элизия, гаплогия, диереза каби фонетик ходисалар учрайди. Товушларнинг талаффузига уларнинг сўзда тутган ўрни, урғунинг таъсири сабаб бўлса, бундай ўзгаришлар *позицион ўзгаришлар* дейилади. Бу фонетик ходисаларни кўриб чиқамиз.

Қуйида биз нутқий услублар билан боғлиқ бўлган позицион комбинатор ўзгаришларнинг асосийси редукция ва ассимиляция ходисаларига тўхталамиз.

Инглиз тилидаги редукция ходисаси унли товушларга хос бўлиб, у нутқда ўз хусусиятини ўзгартиради – чўзиқроқ ёки қисқароқ талаффуз қилинади, ёки умуман тушириб қолдирилади. **Редукция «қисқариш»** маъносини англатиб, унли товушларнинг урғули ёки урғусиз ҳолатига

тааллуқли ҳодисадир. Бу ҳодиса динамик урғу билан узвий боғлиқ. Баъзи тилларда унлилар урғу олганда бир хил, урғу олмаганда бошқача талаффуз қилиниш хусусиятига эга. Умумий тилшунослик нуқтаи назаридан уч хил: *миқдор*, *сифат* ва *тўлиқ* редукцияни кўрсатиш мумкин.

Миқдор редукцияси ҳамма тилларга хос бўлса ҳам, чўзиқ ва қисқа унлиларга эга бўлган тилларда яққол кўзга ташланади. Урғу олмаган бўғинда чўзиқ унлиламинг қисқа талаффуз қилиниши миқдор редукциясидир. Инглиз тилидаги кишилиқ олмошлари бундай редукцияга яхши мисол бўла олади: *he, she, we* олмошлари урғу олганда чўзиқ [i:] фонемаси билан, яъни [hi:] [si:] [wi:] тарзида ўқилади. Лекин урғу олмаган ҳолда чўзиқлик қисқариб [hi'], [si'], [wi'] каби ўқилади.

Сифат редукциясида урғусиз позициядаги унли фақат қисқарибгина қоимай, балки бошқа товушга ўтиб кетади. Масалан, рус тилидаги *вязать* сўзида урғу иккинчи бўғинга тушади, биринчи бўғиндаги *я* товуши *и* деб талаффуз қилинади. Инглиз тилида урғусиз ҳолатда бу ҳодиса кўплаб учрайди: *to* сўзида урғу олмаган *о* унлиси нейтрал [ə] тарзида талаффуз қилинади; *private* сўзидаги урғу олмаган *а* унлиси [ɪ] деб талаффуз қилинади, яъни \praɪvɪt\.

Тўлиқ редукцияда урғу олмаган ҳолатдаги баъзи унлилар умуман тушиб қолади. Бундай редукция инглиз тилида ҳам учрайди: *lesson* [lesn], *final* [finl]. Бундай мисолларда бўғин ясовчи [n] ва [l] товушларининг аҳамияти ҳам катта.

Фоностилистик комбинатор ўзгаришлардан инглиз тилида кўп учрайдиган тури – бу ассимиляция ҳодисасидир. **Ассимиляция** латинча «*assimilatio*» сўзидан олинган бўлиб, «ўхшашилик» деган маънони англатади. Товушларнинг ўзаро бир-бирига таъсири натижасида бири иккинчисига ўхшаб кетиши *ассимиляция ҳодисаси* дейилади. Ассимиляция

прогрессив ва регрессив бўлиши мумкин. Олдинда келаётган товуш кейингисига таъсир ўтказиб, уни ўзига ўхшатиб олса, *прогрессив ассимиляция* рўй беради. Масалан, *lunch score* сўзидаги *s* товуши олдинги жарангсиз ундош – *ch* таъсирида [ʃ] деб талаффуз қилинади.

Кейинги келаётган товуш ўзидан олдингисини ўзига ўхшатиб олса, *регрессив ассимиляция* дейилади. Инглиз тилидаги *ten* сўзига *bikes* сўзи қўшилиши натижасида, кейинги *b* таъсирида *n* товуши *m* га айланади. Регрессив ассимиляциянинг яна бир тури инглиз тили талаффуз системасида акс этган – бу инкор қўшимчаси [*in-*] нинг 4 хил вариантыда ҳар қандай ҳолатларда (кейинги товуш лабланган ёки сирғалувчи [l] ёки [r] бўлган ҳолатлардан ташқари) содир бўлади:

in- im- il- irindifferent

inexcusable

inflexible

impossible

imbalanced

immeasurable

illogical

illegal

illegible

irregular

irrelevant

irresponsible

[s] + [j] = [ʃ], e.g. *horseshoe, one's shadow, his shirt*

[z] + [j] = [ʒ], e.g. *hosier*.

Ассимиляциянинг яна бир тури ўзаро (иккитомонлама) бўлиб, унда иккита ундош товуш бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатиб, бири иккинчисига ва у ҳам ўз навбатида қарши таъсир кўрсатиб ўз сифатларини ўзгартирадилар. Масалан инглиз тилидаги **twenty** сўзи [twenti] тарзида талаффуз этилганда [t] товушининг артикуляциясида кейинги товуш [w] нинг таъсирида биринчи товуш лаблар чўччайган холда талаффуз этилса, иккинчи жарангли ундош товушнинг бошланғич қисми бироз жарангсиз холда талаффуз этилади. Бундан ташқари қуйидаги ўзгаришлар ҳам кузатилади:

t + j = [tʃ] *Is that your dog?, virtue, statue*

d + j = [dʒ] *Would you mind moving? education, during*

s + j = [ʃ] *issue, He is coming this year.*

z + j = [ʒ] *Does your mother know?*

Шуни ҳам алохида таъкидлаш лозимки, ассимиляциянинг пайдо бўлиши ва унинг учрашиш тезлиги ва даражаси бевосита талаффуз стилига, унинг расмийлик даражасига боғлиқдир.

Аккомодация лотинча «*accomodatio*» сўзидан олинган бўлиб, «*мослашув*» деган маънони англатади. Мослашув ёнма-ён турган унли ва ундош товушлар орасида содир бўлади. Мослашув *прогрессив* ва *регрессив* бўлиши мумкин. Мослашув ҳеч қачон тўлиқ бўлмайди, унли ва ундошлар бир-бирига фақат қисман мослашади. Бундай *мослашувда* кейинги келаётган товушнинг экскурсияси олдинги товушнинг рекурсиясига мослашади. Масалан, *pool, moon, rude, soon, who, cool*, etc сўзларидаги [u:] унлиси тил орқа унлиси каби талаффуз қилинади.

Диссимиляция термини лотинча «*dissimilation*» сўздан келиб чиққан бўлиб, «ўхшамаслик» маъносини англатади. Талаффуз жиҳатдан бири-бирига яқин бўлган товушлардан бири ўзининг физиологик ёки акустик хусусиятларини ўзгартириб юборса, бундай ҳодиса диссимиляция дейилади: "beserk" for *berserk*, "supprise" for *surprise*, "paticular" for *particular*, and "govenor" for *governor* (this does not affect the pronunciation of *government*, which has only one /r/) ва ҳоказо.

Баъзи тилларда нутқ товушлари сўзда тутган ўринларига қараб талаффузда ва расмий ёзувда орфографияда ўзгариб кетиши ёки тушиб қолиши мумкин. Бундай ҳодисалар ўзбек тилида ҳам учрайди. Масалан, сўзнинг охиридаги жарангли товушлар жарангсизланиб қолиши мумкин: *завод*, *бод*, *боб*. *адиб* сўзларидаги охирги *д* ва *б* товушлари *т* ва *п* бўлиб талаффуз қилинади, баъзи сўзларга қўшимчалар қўшилиши натижасида, сўзнинг урғуси қўшимчага ўтади, аввал урғу олган унли тушиб қолиши мумкин: *сингил* - *синглим*, *бурун* - *бурним*, *огиз* - *огзим* каби. Бу масала бошқа тилларда ҳам кўп тарқалган редукция ҳодисасига мисолдир.

Юқорида айтганимиздек товушларнинг талаффузига уларнинг сўзда тутган ўрни, урғунинг таъсири сабаб бўлса, бундай ўзгаришлар *позицион ўзгаришлар* дейилади. Бу ҳолат тилшуносликда редукция деб аталадиган ҳодиса мавжуд бўлган сўзларда кўпроқ учрайди. Яъни, кучсиз талаффуз натижасида товушнинг ўзгариши, товушнинг миқдор ва сифат белгиси жиҳатдан пасайиши (бу ҳодиса асосан урғусиз бўғиндаги унлиларга хос бўлади).

Умумий хулосалар

Олиб борилган тадқиқлардан маълум бўладики, инглиз тили услубшунослигида унинг фоностилистика — фонетик услубшунослик масалалари етарли даражада ўрганилган эмас. Оғзаки нутқнинг фонетик

хусусиятлари ёзма нутқда, асосан, график (имловий) воситалар билан акс эттирилади. Шу боис оғзаки нутқдаги фоностилистик хусусиятларни акс эттириш ҳам ёзма нутқда график стилистика (графостилистика)га тўғри келади. Шунинг учун услубшуносликда фоностилистика алоҳида бўлим сифатида ажратилган. Шунинг учун ҳозирда жаҳон тилшунослигида фоностилистикага, унинг объекти бўлмиш фонетик бирликлар, фонетик ҳодисалар ва фонетик воситаларнинг услубий хусусиятларини ўрганишга бўлган қизиқиш тобора кучайиб бормоқда.

Фалсафанинг оддийдан мураккабга қатъиятига амал қилган ҳолда фоностилистикани илмий таҳлил қилиш мумкин, яъни тилдаги сегмент бирликлар – нутқ товушлари, товуш бирикмалари, бўғин, (просодик) – оҳангнинг қаттиқ ёки юмшоқлиги, баланд ёки пастлиги, чўзиқ ёки қисқалиги, нутқ бўлакларининг ажратилиши ва қўшилиши, мусиқийлик, урғу динамикаси, нутқ темпининг ўзгариши, паузалар ва уларнинг турлари, нутқий меъёр, адабий талаффуздаги оҳангдошлик (эвфонология), товуший рамз (звукосимволизм), фонетик синонимия, сўзловчининг ҳиссий ҳолати, шеърнинг ритмик ва мусиқий тузилишини тавсифлаш ва айримларини фонетик-услубий таснифлаш керак.

Фоностилистика тилшуносликнинг янги бўлими. Унинг шаклланишида антик файласуф ва алломаларининг ўз давридаги чиройли сўзлаш, нотиклик, ҳаттотлик санъатлари ва бошқа бир қатор фоностилистикага оид фикр ва ғоялари асосий замин вазифасини бажарди. Фоностилистик воситаларни кенг кўламда ўрганиш саводхонликни оширишнинг энг муҳим шартларидан биридир. Агар тарихга назар солсак, фоностилистикага оид масалалар тарихи тилнинг тўғри меъёрлари, яхши услуб меъёрлари ҳақидаги олимлар таълимотига бориб тақалади.

Лингвистик ҳодисаларни инсон мулоқоти нуқтаи назаридан туриб тадқиқ қилиш замонавий тилшуносликнинг илғор йўналишларидан бирига

айланди. Бундай коммуникатив ёндашиш тилни мулоқот воситаси сифатида ўрганиш учун илмий назарияларни ишлаб чиқишни тақозо этади.

Оғзаки нутқнинг фонетик хусусиятлари ёзма нутқда, асосан, график (имловий) воситалар билан акс эттирилади. Шу боис оғзаки нутқдаги фоностилистик хусусиятларни акс эттириш ҳам ёзма нутқда график стилистика (графостилистика)га тўғри келади. Шунинг учун услубшуносликда фоностилистика алоҳида бўлим сифатида ажратилар экан, графостилистика ҳам худди шундай бўлим сифатида ажратилиши лозим.

Ёзма нутқнинг график (имловий) услубий воситалари оғзаки нутққа хос бўлган фоностилистик хусусиятларни ёзма нутқда акс эттириш билан чекланмайди, балки график услубий воситалардан самарали фойдаланади. Шундай воситалар сифатида бош ва кичик ҳарфларни ишлатиш, ёзма матнларда ҳарфларни (катталарини ҳам, кичикларини ҳам) турли катталиқда, турли шрифтларда ёзиш, матннинг алоҳида аҳамиятли қисмларини ажратиб курсив билан ёзиш, турли ранглار, шартли белгиларни ишлатиш ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Бу воситалар ёрдамида ёзма нутқ соҳибининг услубий мақсадлари амалга оширилади. Шунинг учун "фонетик стилистика" ва "график стилистика"нинг ўзаро кесишиш нуқтасида (чунончи, оғзаки нутқда товуш чўзилиши ва ёзма нутқда бир ҳарфни такрор-такрор ёзиш каби) "фонографик стилистика" тушунчаси ва атамаси ҳосил қилинди.

Фонографик стилистика талаффузнинг услубий имконият ва хусусиятларини ёзма нутқда акс эттириш йўл ва усулларини ҳамда ёзма нутқдаги график (имловий) услубий имконият ва хусусиятларини диалектик бирликда ўрганувчи умумий стилистиканинг бир бўлиmidир.

Фонографик услубий воситалар оғзаки нутқдаги сўз бўғинлари ва улардаги айрим унли ёки ундош товушларнинг чўзиқ айтилишини,

диалектал ва бошка хил нутқий талаффузларни ёзувда аниқ акс эттириш билан турли хил коннотатив маъноларни рўёбга чиқаради. Ёзма нутқда фонографик воситалар жуда кўп ҳолларда ремарка ёки изоҳ табиатига эга бўлган лексик шарҳлаш усуллари билан мустаҳкамлашиб боради. Бу хусусият, айниқса, суҳбат (диалог) нутқида, сахна асарларида кенг қўлланади. Шунинг учун бундай ҳолларда фонографик услубий воситаларнинг лексик воситалар билан нутқий синонимик гуруҳ ташкил қилаолиши кўзга ташланади.

Тадқиқотимиз турли нутқ услубларида, айниқса, илмий, илмий-ўқув ва бадиий услубларда ҳарфларни турли катталикларда ёки турли шрифтларда ёзиш, ёзма матнда ҳар хил ранглар, уст, ост, олд, сўнг белгиларидан ҳамда курсив, поғонали ёзув каби соф график услубий воситаларни ажратиш ва уларнинг хусусиятларини ҳар томонлама илмий-амалий ўрганиш масаласини ҳам ўртага қўйди.

Сўздаги товушлар нутқ оқимида турли ўзгаришларга учрайди, баъзилари **редукцияга** учраб қисқа айтилади, айримлари эса **ассимиляция** ёки **диссимиляцияга** учрайди. Баъзи товушлар бошқача шакл олиши ёки тушиб қолиши мумкин. Бундай ходисаларнинг содир бўлишига нутқда ихчамликка интилиш, бўғинга урғунинг тушиши ёки тушмай қолиши, шошилиб талаффуз қилиш, бошқа тиллардан ўтган сўзларни талаффуз қилишдаги кийинчиликлар каби омиллар сабаб бўлади. Ана шундай турли сабаблар нутқда ҳосил бўладиган фонетик ўзгаришлардан деярли барчаси фонографик стилистик вазифа бажаради.

Шундай қилиб, сўзда унли товушларни чўзиб талаффуз қилиш ва шу талаффузни ёзувда айнан акс эттириш ҳамда сўзлардаги **комбинатор ва позицион ўзгаришлар** талаффузи ва ёзилиши билан боғлиқ бўлган коннотатив маънолар шу сўз ўзагидан англашиладиган денотатив маъно билан бевосита боғлиқ ҳолда рўёбга чиқади. Нутқда фонографик услубий воситалар ёрдамида ҳосил бўладиган қўшимча сўзлар ўзаро парадигматик

ва синтагматик муносабатларга киришганида янада ёрқинроқ намоён бўлади.

Нутқнинг бадий услубида кенг қўлланадиган фонографик услубий воситалардан бири талаффузнинг аниқ ёзуви транскрипциядир. Тўлиқ ёки қисман транскрипция қилинган айрим сўзлар, репликалар асар қахрамонлари нутқини индивидуаллаш, маълум бир гуруҳ вакиллари нутқини характерлаш учун ишлатилади. Транскрипцион ёзув муаллиф томонидан маълум бир персонаж нутқидаги индивидуал ташки камчилик мавжудлигини кўрсатиш учун тилда қўлланиши мумкин. Бадий нутқ таъсирчанлигини оширувчи фонографик стилистик воситалардан бири товуш ёзувидир.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари.
3. Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.
4. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Шарқ, 1998.
5. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси 1999 й.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. “Чет тилларни ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида”. 2012 й. 10 декабрь. “Халқ сўзи” газетаси. 2012 й. 11 декабрь.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни
8. “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”
9. Абдуазизов А. Фоностилистик воситаларнинг ўрганилишига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1985, 2-сон.
10. Абдуазизов А.А. Системавий фонологиянинг баъзи масалалари // ЎзМУ хабарлари, 2001, №3.
11. Абдуазизов А.А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. “Ўқитувчи”, -Т., 1992; “Университет”, 2010.
12. Абдурахмонов Ғ. Стилистик нормалар ҳақида // ўзбек тили ва адабиёти, 1969, 6-сон..
13. Абросимова В.П. К вопросу о специфике научнопопулярного стиля речи//Сб. науч. трудов МГПИИЯ им. М. Тореца. Вып. 74. М., 1973.
14. Аванесов Р.И. Русское литературное произношение. М., 1984.
15. Азнаурова З.С. Стилистическая функция как вторичная функция языка//Тезисы докладов на научной конференции "Проблемы лингвистической стилистики" МГПИИЯ им. М. Тореца. М.: МГПИИЯ, 1969.

16. Амосова Н.Н. Основы английской фразеологии. Л., 1963
17. Античные теории языка и стиля. М.Л.: Государственное социально-экономическое издательство, 1936. 341с.
18. Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка. — Д.: Просвещение, 1973.
19. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. М.: Сов. энциклопедия, 1969.
20. Баранник Д.Х. О лингвистических критериях классификаций стилей устной монологической речи. Применение новых методов в изучении языка. Днепропетровск, 1969.
21. Барышникова К.К. О фоностилистическом аспекте типов устных высказываний //Уч. зап. МГПИИЯ им. М. Тореца. Т.60. М.: МГПИИЯ, 1971.
22. Баскаков Н.А. Структурные и функциональные стилистические модификации в современных тюркских языках // Развитие стилистических систем литературных языков народов СССР. – Ашхабад, 1968.
23. Бобохонова Л.Т “Инглиз тили стилистикаси” Тошкент, 1986
24. Богуш Н.Б. Стилиевые черты и фонетические средства их реализации в современном французском языке: Дис. .канд. филол. наук. М., 1998.
25. Бондарко Л.В., Вербицкая Л.А., Гордина М.В., Зиндер Л.Р., Касевич В.Б. Стили произношения и типы произнесения/ Вопросы языкознания. №2. М., 1974.
26. Будагов Р.А. Литературные языки и языковые стили. – М., 1967.
27. Буранов Дж. Б. Сравнительная типология английского и тюркского языков.М., ВШ, 1983.
28. Вещикова И.А. Фонетика функциональных стилей // Стилистический энциклопедический словарь русского языка / Под ред. М.Н. Кожинной. М., 2003.

29. Виноградов В.В. Итоги обсуждения вопросов стилистики // Вопросы языкознания, 1955, № 1.
30. Виноградов В.В. Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика. – М., 1963.
31. Винокур Т.Г. Стилистическое развитие современной русской разговорной речи // Развитие функциональных стилей современного русского языка / Под ред. Т.Г. Винокур. М., 1968.
32. Гайдучик С. М. Фоностилистика в стилистической системе языка Экспериментальная фонетика. Минск, 1975. С. 6578.
33. Гайдучик С. М. Фоностилистика как один из разделов фонетики//Интонация. Киев,1978.
34. Гайдучик С. М. Фоностилистика дифференциация устной речи Экспериментальная фонетика. Минск, 1979.
35. Гайдучик С.М. Фоностилистика аспект устной речи:Дис. .дра филол. наук. Минск, 1973.
36. Гальперин И.Р «Очерки по стилистике английского языка» Москва, 1958
37. Гвоздев А.И. Очерки по стилистике русского языка. М.:Просвещение, 1965.
38. Дониёров Х., Йўлдошев Б. Адабий тил ва бадиий стиль. – Тошкент, 1988.
39. Каримов С. Ўзбек тилининг функционал стилистикаси – Самарқанд: СамДУ нашри, 2012.
40. Каримов С.А. Ўзбек тилининг бадиий услуби. ДД. – Тошкент, 1994;
41. Карпов К.Б., Милукова Н.А. Фоностилистика немецкого языка. М.: Издво МГПИИЯ им. М. Тореца, 1982.
42. Кожина М. Н. О понятии стиля и месте языка художественной литературы среди функциональных стилей. Пермь: ПТУ, 1962.

43. Кожина М.Н. Стилистика русского языка. – М., 1983.
44. Кузнец М.Д, Скребнев Ю.М «Стилистика английского языка» Ленинград, 1972
45. Кузнецов В.Г. Функциональные стили современного французского языка. – М.
46. Қўнғуров Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. – Тошкент, 1980.
47. Қўнғуров Р. Каримов С. Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти. Библиографик кўрсаткич.– Самарқанд, 1984.
48. Қўнғуров Р. Стилистика имени существительного в узбекском языке. – Ташкент, 1983.
49. Қўнғуров Р. Ўзбек тили стилистикасидан очерклар.- Самарқанд, 1975.
50. Леонтьева С.Ф. Теоретическая фонетика английского языка. – М.: Высшая школа, 1988.
51. Мирзаев К. Инглиз тили стилистикаси. Т., 2009
52. Мороховский А.И; Воробьева О.П, Лихушерст И.И; Тимошенко З.В «Стилистика английского языка» Киев, 1984
53. Мусаев Қ “Инглиз тили стилистикаси” Тошкент, 2003
54. Мухамедов С. Ўзбек тили функционал стилларини белгилаш тўғрисида // ўзбек тили ва адабиёти, 1983, № 4.
55. Нейматов Х., Бозоров О. Тил ва нутқ. Т.: “Ўқитувчи”, 1993.
56. Норма и стилистическое варьирование: Межвуз. сб. науч. тр. / Отв. ред. О.С. Сапожникова. Горький, 1987.
57. Нурахметов Е. Проблемы супraseгментной фоностилистики (на материале французского языка): Автореф.дис. д-ра филол. наук. М., 1997.
58. Пинежанинова Н.П. Фоностилистический аспект звуковой организации стиха (на материале поэзии А. Блока): Автореф. дис. s

59. канд. филол. наук. СПб., 1992.
60. Портнова Н.И. Фоностилика французского языка. М., 1986.
61. Разинкина Н.Н «Функциональная стилистика на материале английского и русского языков» Москва, 2004
62. Раҳматуллаев Ш. Систем тилшунослик асослари. Тил қурилишини тизим сифатида ўрганиш масалалари. –Т.: “Университет”, 2007.
63. Сапарова Қ.О. Фоностилика, фоностилема ва талаффуз услублари // *Til va adabiyot ta’limi*: Илмий-методик журнал.-Тошкент, 2005.-№1.-Б. 33-37.
64. Сапарова К.О. Об отражении культуры в языке и языка в культуре// *Ilm sarchashmalari*: Илмий-методик журнал.-Урганч, 2008.-№3.-Б. 115-117.
65. Сапарова К.О. Классификация фонетических вариантов языковых единиц и фоностилистическая парадигма // *Олий ўқув юртлари ахбороти. Филология масалалари*: Журнал.-Тошкент, 2004.-№2-3.-Б. 45-46.
66. Сапарова К.О. Фоностилика как предмет и объект лингвистики // *Проблемы обучения русскому и узбекскому языкам в вузах Республики: Тезисы докл. конф.*-Ташкент: Изд-во ТГЭУ, 2001.-С. 128-131.
67. Сапарова К.О. Фоностилика русского и узбекского языков.-Ташкент: Узбекистан, 2006.
68. Серебренников Б.А. К критике некоторых методов типологических исследований. – Вопросы языкознания, 1958, № 5.
69. Соссюр Ф. де. Труды по языкознанию. М., 1974
70. Степанов А.В. Основные понятия стилистики. – М., 1966.
71. Теоретическая фонетика английского языка: Учебник для студентов институтов и факультетов иностранных языков/ М.А. Соколова, К.П. Гинтовт, И.С. Тихонова, Р.М.
72. Тихонова. – М.: Гуманитарный издательский центр ВЛАДОС, 1996.
73. Торсуев Г.П. – Вопросы фонетической структуры слова. М. – Л., 1962.

74. Уорф Б. Л. Грамматические категории. – Принципы типологического
75. анализа языков различного строя. М., 1972
76. Ўринбоев Б. Функционал услубият ва унинг моҳияти. - -Тошкент: Фан, 1992.
77. Хомский Н. Язык и мышление. (Русск. Пер.) М., 1972.
78. Ҳожиёв А. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясашишнинг назарий масалалари. Т.: “Фан”, 2010.
79. Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент, 1983.
80. Щерба Л.В. Избранные работы по языкознанию и фонетике, т. I. Л., 1958
81. Щерба Л.В. О разных стилях произношения и об идеальном фонетическом составе слов // Избранные работы по русскому языку. М., 1957.
82. Юсупов У.К. Теоретические основы сопоставительной лингвистики. Т.: Фан, 2007
83. Яхшиева Г. Ўзбек тилида фонографик услубий воситалар. – Тошкент, 1996.

MAIN LITERATURES

84. Abduazizov A.A. English phonetics A theoretical course. 2-edition. Tashkent, 2006.
85. Abercrombie David. Elements of general phonetics, Edinburg Univ. Press, 1982, p. 203.
86. Alimardanov R.A. – Pronunciation theory of English, Tashkent, 2009.
87. A Baudouin de Courtenay Anthology. Bloomington: Indiana University Press. 144-212.

88. Crystal, D. Prosodic Systems and Intonation in English. Cambridge Univ. Press. 1969.
89. D. Jones. Everyman's English pronouncing dictionary. London., 1958.
90. D. Jones . An outline of English phonetics, 9th ed, Cambridge, 1960
91. Galperin LR. Stilistics. 2nd ed. M.: Higher School, 1971.
92. Kenyon J.S. American Pronunciation. Ann. Arbor, Michigan, 1962, p. 265.
93. Vassilyev, V. A. English Phonetics: A theoretical course. – Moscow: Higher School Publishing House, 1970. -P. 30-33.
94. Vrabel T. T., - Lectures in Theoretical Phonetics of the English language and method-guide for seminars – PoliPrint, Ungvar, 2009

Интернет материаллари

95. <http://en.wikipedia.org/wiki/Structuralism>
96. <http://www.utpa.edu/faculty/mglazer/Theory/structuralism.htm>
97. http://www.eng.fju.edu.tw/Literary_Criticism/structuralism